



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 10-iyun / № 20 (4679)

БИЗ НАФАҚАТ ҚЎШНИМИЗ...

Ўзбекистон ва Тожикистон давлатларининг ўзаро муносабатларида тарихий бурилиш юз берди

“Янги Ўзбекистон – янги қўшничилик”. Президентимиз илгари сурган мазкур тамойил минтақавий барқарорликнинг муҳим барометри, дунё дипломатиясининг янги ибораси сифатида муомалага кирди, тарих саҳифалардан мустаҳкам жой олди. Ҳа, атиги 4-5 йил ичида Марказий Осиё халқлари ўртасидаги муносабатларда бутунлай янги, фараҳли муҳит юзага келди.

Энди бу йўлда яна бир муҳим қадам қўйилди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон жорий

аҳамиятга эга қарор қабул қилинди. Биз Абдий дўстлиқни мустаҳкамлаш ва иттифоқчилик тўғрисидаги декларацияни имзоладик.



Йил 3 июнь куни икки мамлакат тарихи учун ўта муҳим ҳужжат – Абдий дўстлиқни мустаҳкамлаш ва иттифоқчилик тўғрисидаги декларацияни имзоладилар. Бу воқеани сиёсатшунослар ва сиёсий шарҳловчилар Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари, ўзбек ва тожик халқлари дўстона муносабатларида тарихий бурилиш, деб баҳоламоқдалар.

– Ўзбекистон халқи биродар тожик халқи билан тарих, маданий-маънавий мерос ва аждодларимизнинг эзгу аънаёлари муштараклигига асосланган дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини қадрлайди. Ёруғ кунларда ҳам, синовили дамларда ҳам биз доимо елкама-елка турганмиз, бир-биримизни қўллаб-қувватлаганмиз, – деди давлатимиз раҳбари. – Айнан шу туфайли бугун чинакам тарихий

Икки давлат ўртасидаги 30 йиллик дипломатик муносабатларда бу тарихий кунга осонгина эришилмади. Давлатлараро, хусусан, қўшнилар ўртасидаги муносабатларда ўзаро ишонч, самимийлик, яқин мулоқот ҳамisha муҳим роль ўйнаган. Ўзбекистон-билан Тожикистон ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларига бевосита икки мамлакат раҳбарларининг узоқни кўра билиши, халқларимиз тақдири олдидаги масъулияти, уларнинг манфаатларини ҳис этиш фазилати туфайли муяссар бўлмоқдамиз.

Халқимизда: “Ён қўшни – жон қўшни” деган ажойиб нақл бор. Афсуски, маълум муддат ён қўшниларимиз билан муносабатларимизга дарз кетиб, минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келган халқлар

ўртасига чегаралар тортилди. Мен 40 йилдан буён журналистика соҳасидан. Тожикистон давлат университетининг тарих факультетини битирганман. 1981 йилдан Тошкент асимда, азият Ўзбекистонда яшаб келмоқдаман. Воқеа-ҳодисаларга тарихчи журналист сифатида ёндашаман, тарихий мезон, тарихий мурожаат билан баҳолаш касбий тамойилларимдан бирига айланган. Шукри, меҳнат фаолиятим давомида Ўзбекистон ҳаётида рўй берган бир қатор сиёсий, халқаро миқёсидаги тadbирлар-воқеаларга гувоҳ бўлганман, улар ҳақида мақолалар ёзганман. Бу мен учун юксак шараф. Аммо Тожикистонда туғилиб, соҳиб диплом бўлиб, Ўзбекистонни она-Ватан деб азму ихтиёр этиб, фарзандларимни шу ерда вояга етказиб, олий маълумотли қилган, журналистика соҳасида муайян муваффақиятлар ва эътирофларга эришган инсон сифатида мендан касбдошларим бугун: “Ҳаётингиздаги энг муҳим тарихий сана қайси?” деб сўрашса, “Шак-шубҳасиз, 2018 йил 9-10 март кунларини!” деб жавоб берган бўлардим. Зеро, айнан шу саналарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев Тожикистонга ташриф буюриб, икки мамлакат тарихидаги алоқаларда янги даврга, янги саҳифага асос солдилар. Икки давлат раҳ-

барлари ўттизга яқин ҳужжатларни имзоладилар. Қўшничилик муносабатларида янги саҳифа очилди. Бу кунни мен каби Тожикистондан Ўзбекистонга келиб яшаётганлар ва тақдир тақозоси ила Тожикистонга бутун умрини боғлаган минглаб ўзбекистонликлар кутган эдик. Бир-икки йил эмас, чорак аср кўзларимиз чор бўлиб интизор эдик! Халқларимиз ўзаро висолига етиш айёми келганди, ўша кунлар. Соғинч деган оддий сўзнинг қадри жудаём балинд эканлигини барчамиз чуқур англадик. Бу қувончли кунларни эсдан чиқариб бўладими? Қон-қариндош, ота-она дийдорига мушарраф бўлиш нақадар ширин онлар, бахтли лаҳзалар. Ўтганларнинг қабрини таъвоф қилганда-чи? Аждодлар руҳини шод этиш нақадар хайрли иш! Ҳазрат Навоий ва Мавлоно Жомий порлоқ хотирасини ёд этиш-чи?!

Шу босидан Абуабдуллоҳ Рўдакий бундан минг йил олдин айтилган ва ҳамisha ўзбек ва тожик халқларининг шодиёна кунларида беихтиёр тилга олинadиган қуйидаги байтнинг такрорлашдан ҳеч қачон чарчамаймиз:

**Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлмас устун!**

► 2



Республика ёш ижодкорлар аънавий Зомин семинари ташкил этилганига яқинда 25 йил тўлади. Шу муносабат билан ўтказилadиган адабиёт байрамига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида пухта тайёргарлик қўрилмоқда.

Айни пайтда халқаро миқёсда ўтказилиши кутиладиган семинарнинг бу йилги ҳудудий саралаш босқичлари якунига етган ва унда иштирок этадиган қўшни давлатларнинг ўзбек тилида ижод қилувчи ёшлари ҳам аниқлаб олинган.

Апрель ойидан буён саралаш босқичларидан ўтган саксон нафар ёш ижодкор етти йўналишда: назм, наср, бадий публицистика, болалар адабиёти, адабий танқид, бадий таржима ва қардош халқлар адабиёти бўйича сараланиб, семинарнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган. Танловнинг сўнгги Тошкент шаҳар ҳудудий босқичида иштирок этган Ўзбекистон

Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Сайид, раис ўринбосарлари Ғайрат Махид ва Ботир Эргашев ёшларга маҳорат дарслари ўтишди, уларга керакли йўл-йўриқ ва тавсиялар берилди. Олим ва ижодкорлардан Қозоқбой Йўлдошев, Рисолат Ҳайдарова, Маъмура Зоҳидова,

ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР ЯҚИН

Муҳиддин Абдусамад, Наргиза Асадова, Мансур Жумаев шеърят, болалар адабиёти, бадий таржима, адабий танқид йўналишлари бўйича шўьбаларга бўлинган ҳолда ёшларнинг ижод намуналарини қўриб чиқишди. Ҳужжат топширган жами қириқ етти нафар иштирокчи орасидан олти нафар маъқул номзод танлаб олинди.

– Сизларнинг ёшингизда мен ҳам Республика ёш ижодкорлар аънавий Зомин семинари иштирокчисига

айланиш учун 5 маротаба сарлаш босқичларида иштирок этиб ўтолмаганман, – деди Ботир Эргашев. – Эндиликда вазият тақозосига кўра ҳар йили Ўрикисойда ўтказилadиган адабиёт анжуманида қатнашиш бахтига муяссар бўлаёяман. Саралаш босқичидан ўтолмаганингиз, бу сизнинг ижодингиз арзимаслигини аниқлатмайди. Тинимсиз машқ, ўқиб-ўрганиш ҳар бир ижодкорнинг умрлик ҳамроҳи бўлиши жоиз.

Республика бўйича ўтказилган бу йилги ҳудудий саралаш босқичларида мингдан зиёд ёш ижодкор ўз ижодий ишларини тақдим этган ва юзга яқин устоз ижодкорлар уларнинг ишларини саралашга жалб этилган. Республика ёш ижодкорлар аънавий Зомин семинарининг асосий босқичи жорий йилнинг июл ойида ўтказилadi.

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД

«ОСМОННИ КЎП СОҒИНСАМ КЕРАК»

Яқинда пойтахтимиздаги Киночилар уйида Акром Шоҳназаров режиссёрлигида суратга олинган “101-рейс” бадий фильмининг тақдими бўлиб ўтди. Фильм Тошкентдан Нью-Йоркка учадиган йўловчиларнинг Америкага кетиш сабабларини кўрсатишдан бошланади: спортчининг ҳомиладор хотини, шифохонага шўшилнч келтирилган бемор болани ўлдириб қўйганликда айбланган доктор...

Учоқ Атлантика океани узра учиб, Бостон ҳудудига яқинлашганда, экипажга ортга қайтиш буюрилади. Сабаби айтилмайди. Томошабин эса бу сабабни билади: Америкадаги эгизак биноларни фуқаро самолёти уриб йиқитган эди. “101-рейс”га Канаданинг Ҳандр аэропортига қўнишга рухсат берилadi. Аммо у ергача ёқилги етмаслигини билган ко-

мандир Зариф Саидумаров мустақил қарор қабул қилади ва учоқни мамлакатнинг шимолий томонидаги таъқиқланган Гос бэй (Goose bay) ҳарбий базасига қўндиради. Уриб туширилиши мумкинлиги ва ҳарбий аэродромнинг қўниш йўлагига қисқалигига қарамай, тажрибали учувчи қўнишни урдалайди.

► 5



ТЕАТР АНЖУМАНИ



5 июнь куни пойтахтимиз Тошкентнинг чиройли гўшаларидан бирида жойлашган Ўзбек миллий кўғирчоқ театрида республикаимиздаги кўғирчоқ театрларининг аънавий XIII ғурик-фестивали ўз ишини бошлади. Анжуманда Самарқанд, Бухоро, Андижон, Жиззах, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон давлат кўғирчоқ театри, шунингдек, Ўзбек миллий кўғирчоқ театри жамоалари репертуарларидаги сара спектакллари намойиш этди.

Жамоаларнинг турли мавзуларда саҳналаштирган спектакллари санъатшунослик фанлари доктори Сарвиноз Қодирова раислигида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Б.Тўраев, Санъат ва маданият институти кафедра мудри А.Абдуҳалилов, Тожикистон Республикасида ташриф буюрган таниқли режиссёр Н.Аҳмадий ва режиссёр Ш.Обидовдан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Анжуман модератори – санъатшунослик фанлари доктори Д.Раҳматуллаева.

– Бундай фестивалларнинг ташкил этилиши, аввало, республикаимизда фаолият кўрсатаётган кўғирчоқ театрлари ижодкорлари учун маҳорат мактаби ўрнини ўтайди, – деди Дилфуза Раҳматуллаева. – Қолаверса, турли вилоятлар

театрлари бир-бирларининг ишларидан бохабар бўладилар, ўзаро тажриба алмашадилар. Энг муҳими, жамоаларда ижодий жараён фаоллашади. Албатта, ҳакамлар ҳайъати хулоса чиқармасидан олдин қўрилган спектакллар ҳақида фикр юритишдан йироқман. Лекин барча спектакллар турли фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлади, деб ўйлайман.

Кеча Ўзбек миллий кўғирчоқ театр биносига “Янги давр Ўзбекистон кўғирчоқ театрлари: кеча, бугун, эртага” деб номланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида ўтказилган мазкур тadbирда сўзга чиққанлар кўғирчоқ театр санъатида илмий тадқиқот масалалари устиворлиги, таълим сифати театр ижодий фаолиятида ҳал қилувчи куч эканлиги, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги боғлиқликлар, Янги Ўзбекистон кўғирчоқ театрининг истиқболлари каби мавзуларда фикрлашдилар.

Бир ҳафта мобайнида пойтахтимиз мезбонлари ва меҳмонларига қизиқарли спектакллар кўриш, муҳокама қилиш имконини берган Ўзбек миллий кўғирчоқ театрида бугун фестивалнинг тантанали ёпилиши ва ёпиқларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Ўз мухбиримиз

МАЪНАВИЯТ ЧИРОҒИ

Сўнгги беш йил мобайнида муҳтарам Президентимиз Сурхондарё вилоятига бир неча бор ташриф буюриб, амалга оширилётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёни билан мунтазам танишиб борди. Давлат раҳбари ҳар гал вилоят аҳли, фаоллари билан бўлган учрашув, мулоқотларда шу элнинг нафақат бугуни, эртаси, балки узоқ тарихи билан ҳам қизиқиб, воҳа аҳлини янада фаолликка, жонқуярликка даъват этди.

Албатта, маънавий соҳадаги ўзгаришлар ва ислохотлар жараёни, шубҳасиз, жамиятнинг бошқа соҳаларига ҳам ўз таъсирини ўтказadi. Кучли фуқаролик жамияти ва демократик давлат барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар самараси ҳам кўп ҳолларда маънавиятнинг юксалишига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тўздан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, вилоятнинг барча ҳудудларида маънавият ва маърифат масканларини барпо этиш бўйича 2021—2023 йилларга мўлжалланган режа ишлаб чиқилган. Унга кўра, 2023 йил якунига қадар барча ҳудудларда Маънавият ва маърифат масканлари қўриб фойдаланишга топширилади.

Хусусан, ўтган 2021 йилда Термиз шаҳрида, Ангор, Музработ, жорий йилнинг ўтган даврида эса тоғли Сарюсий,

Бойсун туманларида Республикада биринчилардан бўлиб шундай масканлар қўриб фойдаланишга топширилди. Йил якунига қадар Денов, Шўрчи, Шеробод, Қизилқум туманларида ҳам жами тўртта масканни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Ушбу масканлар миллий меросимиз, буюқ аждодларимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаларини кенг тарғиб қилиш, маънавий-маърифий соҳани, адабиёт ва китобхонликни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

– Фойдаланишга топширилган Маънавият ва маърифат маскани замонавий жиҳозлар, ахборот коммуникация тизимлари билан таъминланган катта-кичик йиғилиш заллари, алоҳида хизмат ҳамда тўғарак хоналарига эга, – дейди Бойсун тумани ҳокими Аскар Жўраев. – Махсус кутубхона, ҳунармандчилик музейи ва замонавий кинотеатр ҳам ташкил этилган. Яратилаётган шарт-шароитлар туманнинг ижтимоий-маънавий муҳитини янада яхшилашда, аҳоли, хусусан, ёшларда миллий ғурур, ифтихор ва дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришда ва маънавий-маърифий ишлар тизимини доимий мувофиқлаштириб боришда муҳим ўрин тутadi.

► 2

БИЗ НАФАҚАТ ҚЎШНИМИЗ...

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Мана, орадан тўрт йилдан зиёдроқ вақт ўтди. Бу қисқа тарихий вақт ичида азалдан қондош ва биродар бўлган ўзбек ва тожик халқларининг орада узилган ришталари мустақамланди, иқтисодий ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланмоқда, телекоммуникация, энергетика, логистика, соғлиқни сақлаш, гуманитар, кадрлар тайёрлаш, бир сўз билан айтганда, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ҳамкорликнинг амалий тажассуми ифода этган амалий ишлар рўёбга чиқарилди. Икки мамлакат раҳбарларининг ҳар бир учрашуви эса, стратегик даражадаги муносабатлар, ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтаргани ҳам тарихий ҳақиқатдир. 2018 йилнинг август ойида Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон Тошкентга расмий ташриф билан келди. Ўтган 2021 йил 9-10 март кунлари бизнинг Президентимиз Душанбе ва Хўжанд шаҳарларига ташриф буюриб, азалий дўстлигимизга оид билдирган самимий сўзлари ҳали-ҳали қўлгимизда янграйди. Хусусан, Хўжандда зиёлилар билан мулоқот икки қардош халқ вакилларининг қалбларини шодон этди. Шу мулоқотдан сўнг икки буюк ва шариф зот, икки даҳо Абдурахмон Жомий ва Мир Алишер Навоий дўстлиги ҳақида бадиий фильм сурагга олиш ишлари бошланди ва ниҳоят, бугунги кунга келиб, фильм синаопсисининг якуний матни тасдиқланди. Яқинда ушбу фильмдаги порлоқ образларни, ҳаётимизнинг ўзбек ва тожик халқи ҳақида қилган дуоларни эшитамиз, иншооллоҳ. Боболар, момолардан дуо олиш эса, ўзбек ва тожик халқларининг эзгу фазилати, зеро, уларнинг дуолари ҳамisha ижобат бўлган!

Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарларининг Тошкентда олиб борилаётган мулоқот ва музокаралари асосида Сўх диёрига ташриф буюрган атоқли ҳофиз, халқларимиз азалий дўстлигининг вассофи Жўрабек Муродов ажойиб дил сўзларини изҳор этди: "Икки мамлакат раҳбарлари учрашгани, уларнинг бир-бирларига бажо келтирган таъзимлари-ю илиқ муносабатлари бу минтақадаги 45 миллион нафар аҳоли, икки биродар эл, бутун Ўзбекистон ва Тожикистон халқларининг бир-бирларига оғушини, бағрини очди, дегани".

Дўстлигимиз ҳақида қанчалаб дostonлару қасидалар битилган. Не-не синовлардан ўтди бу дўстлик! Янги замонда эса бу ришта янги анъана, янги амалий қадамлар билан бойитилмоқда. Дўстлигимизнинг теран томиларни янада кучга тўлиб, улғаймоқда. Бу жараён бугунги нотинч замонда энг буюк нёмадир. Ҳа, қўшничилик, халқлар учун тақдир, қисмат, тожикчасига айтганда, сарнавишдир. Лекин ўзбек ва тожик халқлари нафақат қўшни, атоқли адибларимиз таъбири билан айтганда, "Иккиси бир байт ғазалдан, ўзбегим тожик билан" (Абдулла Орипов), "Аз қадим узбегу тожик – эт билан тирноқ эрур" (Улмас Жамол). "Бир кўзим узбегу бир кўзим тожик" (Жаъфар Мухаммад). Нақадар ҳаётий ва гўзал ташбиҳот!

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўми-

тасида Республика тожик миллий-маданий маркази томонидан Тожикистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда атоқли тожик шоири Лойиқ Шерали таваллудининг 81 йиллиги муносабати билан мушоира анжумани бўлиб ўтди. Ушбу учрашув чоғида Мирзо Турсунзодиннинг "Чароғи абадий", Лойиқнинг "Ман намемирам" ва Тошкентда яшаб ижод қилаётган тожик шоири Паймон(Т.Тухтаев)нинг "Шабобгард" шеърий мажмуаси тақдими толиқиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган "Дўстлик на-симми" номли адабий учрашувда ўзбек ва тожик адиблари дўст-лик, қардошлиқ, қўшничиликни тараннум этилган шеърларидан ўқиб, адабиёт мухлислариغا бир олам таассурот бағишладилар. Қўшиқлар янгради. Кўз олдимизда абадий дўстлигимизга мустақам пойдевор қўйган икки буюк сиймо – Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийнинг беазир дўстлигига устоз-шоғирдлик муносабатлари гавдаланди. Ёзувчи ва олим Хуршид Дўстмуҳаммад: "Биз охириги 25-30 йил ичида ўзимиздан узоқ Аргентина, Болтиқбўйида жойлашган давлатлар ёки Япония адабиётига эътибор беримиз-у ёнимизда яратилаётган асарлардан, хусусан, тожик адабиётининг гўзал намуналаридан бебаҳра қолибмиз", деди. Унга жавобан "Жаҳон адабиёти" журналы бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев журналнинг кейинги сониде тожик адиби Саттор Турсун романи чоп этилаётгани ҳақида мурда берди. Анжуман ниҳоясида Ўзбекистонда яшаб ижод қилаётган тўрт нафар тожикзабон адибга Тожикистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзолик гувоҳномалари топширилди. Бундан биров олдинроқ тожиктошлик ўзбекзабон қаламашлардан Жамшид Примов ва Ўринбой Усмонов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоллигига қабул қилинганди. Тадбир иштирокчилари Самарқандда тожик тилидаги "Дурдонаи Шарқ" адабий-бадиий журналнинг илк сони чоп этилганини адабий ҳаётимизда муҳим воқеа, деб баҳоладилар. Шунингдек, шу кунинг ўзиде Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Тожикистон Журналистлари иттифоқи ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Икки қардош мамлакат қалам аҳли янги қўшничилик тамойилларини кенг тарғиб қилиб, аждодлар анъаналарини янги мазмун билан бойитишда масъул эканликлари қайта-қайта таъкидланди.

Жорий йил март ойида Тожикистонда Ўзбек киноси кунлари ўтказилди. Менинг таржимамда "Бир кунлик тўй", "Илҳақ" бадиий фильмлари ҳамда учта ҳужжатли фильм тожик кино мухлислариға тақдим этилди. Яқинда Тошкентда "Тожикистонда ўзбек адабиёти антологияси" китоби тақдими тошқил этилди. Бундан мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Ҳамкорлик алоқаларни кучайтиришда халқларимиз қалбиде катта куч-ғайрат, ҳозир кўп истеъмолда бўлган мотивация бор: бу ўзаро меҳр-муҳаббат, муштарак маданий-адабий мерос, маънавий олам! Зеро, биз ҳам яқин қўшни, ҳам яқин хеш, қардош халқлар-миз. Буни кўп асрлик дўстлик ришталаримиз тасдиқлайди.

Шоҳаҳхор САЛИМ

НОМОДДИЙ МЕРОС – МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ

Жиззах вилоятининг фахрига, гурурига айланган инсонлар ҳар бир соҳада кўллаб топиллади. Вилоятнинг етакчи ижодкорлари миллий санъатимиз ва маданиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган ва қўшиб келмоқдалар. Ўзбекистон халқ ҳофиси Орифхон Ҳотамов, Ўзбекистон халқ артисти Эсон Лутфуллаев сингари санъаткорларни, Ўзбекистон санъат арбоби Баҳрулло Лутфуллаев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Бахтиёр Холхўжаев, Олия Эштўхтарова, Жўра Исроилов, Абдураим Лапасов, Абдусоли Норматов сингари ижодкорлар номларини бугун юртимизда яхши биладилар.

Маълумки, Марказий Осиёдан ўтган қаровон йўлларининг туташган нуқтасида жойлашган Жиззах вилояти ўзига хос моддий ва номоддий маданий меросга эга. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги буюртмасига асосан "Умрбоқий мерос" Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот маркази томонидан давлат ижтимоий буюртма лойиҳаси доирасида ўтказилган экспедицияда Жиззах вилояти номоддий маданий меросининг ўрганилиши муҳим аҳамият касб этди. Жойларда уч йўналиш: ижро санъати, пазандачилик, ҳунармандчиликка оид номоддий маданий меросни сақловчилар, етказувчилар билан учрашувлар тақил этилди, вилоятда ижро санъати йўналишида фаолият олиб бораётган "Барлос", "Маржон", "Меҳригё", "Зомин сайқали", "Ойпар" фольклор-этнографик ансамбллари ҳамда "Ойпар"

фольклор-этнографик ансамбли қошида ташқил этилган "Эналар" фольклор ҳаваскорлик жамоасининг ижодий фаолиятлари билан танишилди. Улар ижросидаги "Алла" қўшиги, "Тушов кесди", "Қурпа солиди", "Чилла узди", "Қаллиқ ўйини" маросимлари тасвирга олинди.

— Жамоамиз 1996 йилдан буён фаолият кўрсатиб келади, — дейди Жиззах вилояти Бахмал тумани маданият бўлимига қарашли "Барлос" ансамбли раҳбари Барчиной Тулибоева. — Бир муддат фаолият тўхтаб қолган жамоамиз 1998 йилда қайта тиклаб, халқимизга хизмат қилиб келмоқдамиз. Устозларимиз Раҳматилло Саримсоқов, Саидбахром ака, Мавлон Ғафоровнинг ёрдами, маслаҳатлари билан янги қўшиқлар, куйлар, лапарлар, ўланлар ижро этилмоқда. Ансамблимиз репертуаридан маросимлар ҳам ўрин олган.

"Ойпар" фольклор-этнографик ансамбли фаолиятини 1993 йили Зарбдор туманида бошлаган. Ҳозир ансамблда ўттиз нафардан зиёд иштирокчи бор. Улар республикада ўтказилаётган турли фестивал ва танловларда фаол иштирок этиб келяпти. Мазкур ансамбл Тошкент шаҳридаги Абдулла Қодирий боғидаги "Наврўз сайли" (2018 йил), Навоий вилоятида бўлиб ўтган "Нури наволар" халқаро фольклор фестивали (2018 йил), Сурхондарё вилоятида ўтказилган "Бахши – 2019" халқаро бахшчилик санъати фестивали (2019 йил), "Баҳор тароналари" Жиззах вилоят кўрик-танловининг вилоят босқичи қолиби (2020-2021 йиллар) бўлган.

— Асли касбим ўқитувчи. 2016 йилдан буён маданият марказида ишлаб кел-

моқдаман, — дейди "Меҳригё" фольклор этнографик ансамбли раҳбари Тожиқол Сангирова. — Мақсадим момоларимизнинг йўқолиб кетган аллалари, ёр-ёрлари, унутилган жайдари сўзлар, маросимларни излаб топиб, ёшларга ўргатиш. "Вақил ота", "Қиз яширув", "Қурпа солиш" каби маросимларни қайта тиклаб, намойиш этаятганимиздан хурсандимиз.

Лойиҳа координатори Гуларо Абдулаева иш жараёнлари ҳақида шундай дейди:

— Жиззах вилоятида халқ амалий санъати билан шуғулланадиган инсонлар



талайгина. Экспедиция жараёнида ҳунармандчиликнинг миллий кашта, бисерли ҳунармандчилик махсулотлари, темирчилик, эгар-жабдуқ ясаш, ўрмак, урчуқда ил йигириш, қуроқчилик, жун титиш каби турлари билан шуғулланаётган инсонлар билан учрашиб, уларнинг фаолиятлари билан яқиндан танишдик. Ҳунармандларнинг иш жараёнлари видео, фото ва аудио тасвирларга олинди.

Экспедиция жараёнида Жиззах вилояти Ўзбекистон номоддий маданий меросини сақлаб қолишда, уни келажак авлодга ўз ўрни ва мавқеига эга эканлиги яна бир бор намойён бўлди.

Наргиза ХАМРОКУЛОВА

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Нафақат маънавият, барча соҳаларда амалга оширилаётган тўб ислохотлар туфайли Сурхон воҳаси қисқа вақт ичида қишлоқ ҳужалимга иктишослашган аграр вилоятдан саноати ривожланаётган, обод ва кўркам ҳудудга айланаётгани диққатга сазовор. Хусусан, вилоят тарихида биринчи марта Ангор туманида умумий лойиҳа қиймати бир миллиард икки юз миллион долларлик, йилига ўн икки миллиард кило-ват-соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватиға эга иссиқлик электр станцияси қурилишиға старт берилди. Ўртимиздаги энг йирик иссиқлик электр станцияларидан бири бўлган ушбу мажмуа ҳудуднинг бой иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш билан бирга, йилига 1 миллиард куб

ри доирасида туман шифохонасининг болалар бўлими ҳам янгидан бунёд этилди. Уч қаватли шифохона анестезиология-реанимация асбоб ускуналари, болаларни даволашда қўлланадиган тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган, аниқ таъхис қўйиш, самарали даволаш учун барча имкониятлар яратилган.

Тоғли Олтинсой туманида қиймати саксон беш миллиард сўмлик икки юз ўринли "Хўжаипок" замонавий соғломлаштириш маркази фойдаланишга топширилди. Термиз туманидаги Учқизил кули бўйида жойлашган "OXUS" дам олиш масканининг биринчи босқичи маҳаллий аҳоли ва сайёҳларнинг кунгилли ҳордиқ чиқаришиға хизмат қила бошлади. Вилоят кардиология маркази қошида кардиореабилитация бўлими, Денов, Узун,

МАЪНАВИЯТ ЧИРОФИ

метр табиий газни тежаш имконини беради. Станцияда ишлаб чиқарилаган электр энергияси Сурхондарёдаги беш юз минг хонадонга нур улашади. Бундан ташқари, қўшни Афғонистонга йилига камида уч миллиард киловатт-соат электр энергиясини экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади. Лойиҳа Германиянинг "Siemens Energy", Франциянинг "EDF", Нидерландиянинг "Stone City Energy" компаниялари томонидан давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, вилоятимизнинг бугунги қийфаси тубдан ўзгариб, осмонўпар бинолар қад ростламоқда. Чунончи, Термиз шаҳрида мухташам "Муз саройи" бунёд этилди. Бойсун, Шеробод, Қизирқ, Жарқўрғон, Музабот, Денов ва бошқа туманларда йирик ҳажмли бунёдкорлик ишлари олиб борилгач, энг чекка қишлоқлар ҳаётидаги ўзгаришлар ҳам яққол кўзга ташланди. Вилоят олий таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим тизимидаги кўллаб янги замонавий иншоотлар навқирон авлоднинг бахту камолиға хизмат қила бошлади. Илпани қайта ишлаш, чарм-пойфазал ва мўйначилик соҳаларида йирик лойиҳаларга қўл урилди. Қурилиш моллари, тўқимачилик, қишлоқ ҳужалиги махсулотлари ва терини қайта ишлаш, ёғ-мой саноати сингари йўналишларда қатор замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, "Қаюм гузари" масъулияти чекланган жамиятида фасад бўёқлари ва қуруқ қоришмалар, "Бойсун керамзит инвест" корхонасида қурилишбоп ноёб керамзит, "Бойсун лано" масъулияти чекланган жамиятида фармацевтика саноати учун янги махсулот — қўй жунидан ланоллин, "Ангор-фарм" масъулияти чекланган жамиятида биологик фаол қўшимча ва мазлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, "Алпомиш сервис инвест" хусусий корхонаси томонидан бир мар-талик шприцлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган Музабот туманида янги иш ўринларининг яратилиши ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлди. Бу ерда йилига икки юз минг дона шприц ишлаб чиқарилади. "Обод марказ" давлат дасту-

Сариосиё, Олтинсой, Шўрчи туманлари аҳолисиға тиббий хизмат кўрсатиш сифати-ни ошириш учун Денов тумани тиббиёт бирлашмаси бинолари реконструкция қилиниб, замонавий гемодез бўлими ташқил қилинди. Шунингдек, бир юз эллиқ ўринли хирургия, терапия ва педиатрия бўлимлари янгидан барпо этилди. Термиз шаҳридаги тўксон ўринли туғруқ комплекси ўттиз турдаги замонавий тиббий асбоб-ускуна билан жиҳозланди.

Мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш учун барча шароитлар яратили 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгилаб қўйилган. Стратегияда маънавият соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш учун, аввало, ҳудуддаги аҳолининг турмуш тарзи, муаммолари ва уларни келтириб чиқараётган сабабларни атрофчиға ўрганиб чиқиш зарур. Аҳоли қайфияти, қизиқишларини аниқлаш ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганишда муҳим аҳамиятға эга. Воҳада эса бу соҳадаги ишлар ҳам "маҳаллабай", "хонадонбай" шаклида ташқил этилган. Мақсад маҳаллалардаги хонадонлар, оилалар, аҳоли сони, ёш ва гендер таркиби, банд бўлганлар ва ишсизлар сони, маҳалла фаолиятлари туғрисидаги барча маълумотларни ўз ичига олган ҳудуднинг ижтимоий-маънавий муҳит харитасини ишлаб чиқиш ва мезонлар бўйича "қизил", "сарик" ҳамда "яшил" ҳудудларға "ажратилган маҳаллаларни боқичма-босқич "яшил" ҳудудға ўтказишдир. Чунки аҳоли, хусусан, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккурини ва дунёқарашини юксалтириш, уларни ватанпарварлик, халққа муҳаббат руҳида тарбиялаш давр талабидир.

Айни пайтда Республика Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилоят бўлими томонидан "маҳаллабай" ишлаш жараёнида "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"ға киритилган фуқароларнинг муаммолари, қизиқишлари ўрганилмоқда. "Уйма-уй меҳр ва маънавият улашиб", "Оилаларға маърифат улашиб", "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди" лойиҳалари доирасида тадбирлар ўтказиб, Музабот, Узун, Қизирқ,

Бойсун туманлари аҳолисининг турмуш тарзи, ижтимоий маънавий муҳити билан яқиндан танишялмиз, имконияти чекланган болалар таълим-тарбиясиға оид муаммоларға ечим топишға кўмаклашялмиз.

Узун тумани тоғли чегара ҳудудида жойлашган Боботоғ массивининг Донишбод ва Қоранқул қишлоқлари аҳолисининг қайфияти, китобхонлиққа қизиқишини ўрганиш мақсадида ташқил этилган маданий-маърифий тадбирда аҳоли, шу жумладан, ёшлар орасида китобхонлиқни кенг тарғиб этиш мақсадида бепул китоблар тарқатилди, — Қизирқ туманидаги "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам "Маънавият хашари" ўтказилиб, бир гуруҳ маънавиятчилар Ҳанифа Худойкулова хонадонида бўлишди. Оила аъзоларининг яшаш тарзи, қизиқишлари, муаммолари

ўрганилиб, сектор раҳбари кўмағида камчиликлар бартараф этилди. Хонадон ҳолисига мевали ва манзарали дархатлар ўтказилиб, ариқ ва йўлакчалари тозаланди.

Дарвоқе, маънавий-маърифий лойиҳалар доирасида ҳудудлардаги ижтимоий муҳофазатға муҳтож аҳоли қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларға муносиб турмуш шароитини яратишда кўмаклашиш, моддий, психологик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳам кўзда тутилган. Ушбу тадбирлар ҳудудлардаги умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Шундай маънавий тарғибот тадбиридан бири тоғли Бойсун туманида ҳам бўлиб ўтди. Бир гуруҳ маънавиятчилар "Қосиблар" маҳалласидан Дилором Фармонова ҳамда "Тоғчи" маҳалласидан Ражабой Тўхтаева ҳолидан хабар олишди. Ўттиз йилдики, ногиронлик аравачасига миҳланиб қолган, аммо барча қийинчиликларни метин ирода билан енгиб келаятган 63 ёшли Р.Тўхтаеванин ҳаёт йўли кўпчиликка намуна қилиб кўрсатилди. Миллий ҳунармандчилик билан шуғулланиб, жамият фаровонлиғиға ўз ҳиссасини қўшиб, келаятган бу ҳунарманд ҳақида ижтимоий ролик тайёрлаб, кўпчиликнинг эътибориға ҳавола этилди.

Президентимиз айтганларидек, "Инсоният дунёсининг буюк ёритқичи маънавият чироғи бор. Бу чироқнинг бошқаларидан фарқи шуки, у инсоннинг онги ва тафаккурини ёритади, қалб виждонини уйғотади, одамийлиги ҳиссини кучайтиради".

Муктаб қилиб айтганда, бор билим ва салоҳиятимизни, куч ва имкониятларимизни ишға солиб, воҳадагиларимиз қалби ва онғида маънавият чироғини ёқа олсак, Янги Ўзбекистонни маърифатли мамлакатға айлантиришға муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази
Сурхондарё вилоят бўлими
раҳбари

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган Қозоқ адабиёти кенгашининг навбатдаги йиғилишида "Туркий адабиёт хазинасидан" 100 жилдлик асарлар мажмуасининг қозоқ адабиёти бўлимиға тегишли нашр ишлари масалалари муҳокама қилинди.

Кенгаш раиси Турсунали Аҳмедов қозоқ мумтоз адабиёти намояндаларидан ташқари Мағжон Жумабой, Шокарим Худойберди Ёғли, Аҳмад Бойтурсунов, Ўлжас Сулаймонов, Абдужамил Ўрпеисов, Мухтор Шохонов, Муқаффи Муқа-

АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ЧОРАҲАСИДА

дин Саййид тадбирни очаркан. — Шуниси аҳамиятлики, бир умр озодлик ва ҳурликни, меҳр ва муҳаббат, юксак инсоний туйғуларни қўйлаган шоир рус халқи учун қанчалар сеvimли бўлса, ўзбек китобхони учун ҳам шунчалар ардоқлидир. Балки бу унинг шеъриятидаги юксак бадиият, кўнгил озодлиғи, ёниқ муҳаббат, покиза изтироблар, теран маънолар, ғарбона оҳанглар остидаги шарқона рух, ҳикмат садоларининг сезилиб туриши билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Рустам Қурбонов ва бошқалар Пушкиннинг жаҳон адабиётига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида сўз юритиб, мамлакатимизда турли миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаётгани, уларнинг миллий байрам ҳамда маросимлари нишонланаётгани давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарвар сиёсат ифодаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Таниқли ижодкорлар Пушкин ижодидан қилган янги таржима-ларидан ўқиди. Рус маданияти маркази томонидан шоир ижодига бағишланган бадиий-маърифий дастур намойиш этилди.

таев каби замонавий қозоқ адабиётининг йирик вакиллари асарлари янги таржималари ҳам мажмуаға киритилганини маълум қилиб, Қозогистон Ёзувчилар уюшмаси вакиллари

билан учрашув натижалари ҳақида ҳисобот берди. Кенгаш фаоллари Қалдибек Сейданов, Музаффар Аҳмад, Абдулла Рустамов, Лола Жунусова замонавий қозоқ шеърини ва насри антологияларини жамлаш, таржима қилиш, тартиб бериш ҳамда нашр ишларини жадаллаштириш масалалариға тўхталар экан, таржима қилинадиган асарлар кўпчилиги ва таржима ишлариға қозогистонлик ўзбек ижодкорларининг ҳам жалб этилганини алоҳида таъкидлашди. Китобларнинг электрон вариантларини нашрға бенуқсон тайёрлаб бериш масалалари ҳам эътибордан четда қолмади.

Йиғилишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Маждид, Таржима кенгаши раиси Зухриддин Исомидинов, таржимонлар ҳамда қозоқ адабиёти кенгаши вакиллари ва фаоллари иштирок этди.

Шўхрат АЗИЗОВ



Хидоят ХУДУШ ўгли (Оружов), Озарбайжонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, шоир, адиб ва драматург



1
Ёмон ичиктирди бу йилнинг ёзи
Енгсиз қўйлақларга зориқди юрак.
Чопонимни ечиб кунда юз бора
Йўлга чиқдим, гўё баҳор келажак.

Ёмони чиктирди бу йилнинг ёзи,
Кимга орқа қилиб қишлайсан энди?
Нега қувонадир баҳорнинг ноизи?
Ялонғоч бутоклар — титради, тунди...

Ёмон ичиктирди бу йилнинг ёзи...
Магар қиш билмаски, мағлуб бўлажак.
Зориқди йилларнинг мизроби, сози —
Магар ёз билмасми зафар чалажак?

Умр қандай ўтар, кун қандай кечар?
Баҳорларга айтинг, ёзларга айтинг.
Юрак севинчдан кўп кадарми ичар? —
Келажак йилларга, ойлар айтинг...

Долғали ёшлигим бунча тез ўтар,
Қора сочларимга бевақт оқ тушар,
Умрим баҳор чоғи қиш-ла қуришар —
Ёшимни орттирган сонларга айтинг...

ОНАМНИНГ ҲУЗУРИДА

Мен учун соғ-саломат
Юрганинг яхши, болам.
Бахт аталмиш иморат
Курганинг яхши, болам.

Бўлсанг ҳамки қаёқда,
Бош қолса-да таёқда,
Ҳақ учун тик оёқда
Турганинг яхши болам.

Сарфлаб бор имконингни,
Ҳар лаҳза, ҳар онингни,
Ватан учун жонингни,
Берганинг яхши, болам.

Юришмасин ўқсиниб,
Бошин сила йўқсинилг.

Керилганга кўксингни
Керганинг яхши, болам.

Ўйлаб савол-жавобни,
Ўқи Куръон китобни.
Бу дунёда савобни
Терганинг яхши, болам.

Сўздан маънони ўқлаб,
Қўйгин нодонга дўқлаб.
Не дейин, мени йўқлаб
Келганинг яхши, болам.

ЎЙЛАМАЙСАН

Нечун, аҳли одамзот,
Савобни ўйламайсан.

ҲАР ПОЛЪЕНИНГ БИР ИЎЛИ БОР

Ишқимга ҳарёндан шамоллар эсди,
Ҳижрон уйладики, сабримни кесди.
Нодоннинг дардига бир ҳовуч сув бас,
Оқилнинг дардини сойларга айтинг!..

2
Бунинг оти айрилиқми —
На аввали, на сўнги бор,
Сўнгсизликларга боғлиқми —
Ойи, йил қатор-қатор.

Висол учун ён, юрагим,
Ҳар амалим, ҳар тилагим...
Ўз умрим-у, ўз истагим,
Оҳ, селларга оқар, онар...

Увиллайди бебош еллар,
Томошага келар эллар —
Бир кун мани далли селлар
Соҳилларга отар, отар.

Висол олоқшомлари қани?
Йўқотдик кўп қайтмас онни...
Толёе баъзан нар арслонни
Бир тулҳига сотар, сотар...

Баланд-баланд тоғ ошмоққа,
Чўқиларда ўйнашмоққа,
Гулим, сенга қовушмоққа
Менинг умрим етар, етар!!!

3
Мурват, тез сур, манзил узоқ,
Бу йўлларда озиб бўлмас.
Ҳар толеънинг бир йўли бор —
Минг бир ёққай уйиб бўлмас.

Умрнинг туй ҳар онини,
Сайр этмардлар майдонини...
Табиатнинг дostonи
Табиатдек ёзиб бўмас.

Йўлда очдик кўп сахарни,
Ўтдик неча кент — шаҳарни...
Манов чуқур дараларини
Кетмон билан қазиб бўлмас.

Ҳар инсоннинг ўз карвони,
Ҳар карвоннинг ўз саробини.
Қалам билан ёзилганини
Болта билан қолиб бўлмас.

4
Гоҳ куз бўлурсан, гоҳида баҳор,
Қишингда сочима сепаланар қор...
Гоҳида сийнамга сифмас туйғулар —
Нега ўз ҳолимга қўймайсан, юрак?
Ширин ҳаёллардан тўймайсан, юрак?

Севарсан инсонни, табииоти сен,
Қандай толибсан бу муҳаббатни сен?
Шундоқ изларсан-эй саодатни сен...
Изингдан интилиб толурман, юрак.
Сенинг-ла олишиб — ёнурман, юрак.

Аср асаблари эгингга юкдир,
Дард-ғаминг дунёдан ўн қат буюқдир.
Сенга деёлмаслар ишқинг сўнқидир,
Кўкдаминг юлдузга ҳайронсан, юрак.
Ерда-чи, бир қизга қурбонсан, юрак.

Минг сирсан, маъноли коинотинг бор,
Аччиқ соатинг бор, хуш соатинг бор...
Сенинг-да, сенинг-да ўз ҳаётинг бор,

Менга суръат берган тўфонсан, юрак!
Сен — само, сен — дарё,
Жаҳонсан, юрак...

5
“Сенинг ниманг бордир қаламдан ўзга?”
Оқсоқол сўзи — 1990

Сатрлар устиди титрайди йўлим,
Халқ хазон тўлдирар, ҳазина санар...
Баъзан китобимни олмоққа пулим,
Ҳақимни олмоққа тилим бўлмайди —
Менинг нимам бордир қаламдан ўзга?

Сенинг ёшлик чоғинг бошқача эди,
Номард номард эди, мардлар мард эди!
Сўнгра битта тулки юз мардни еди!
Не қолди бу дарддан, бу ғамдан ўзга?!

Ҳар номард бир янги ёлгон тўқиди,
Бўхтон, риёларга тараф йўқ эди,
Оқсоқол, сенинг-да хатонг кўп эди —
Не кўрдинг, не қўйдинг бу дамдан ўзга?!

Бегуноҳ эмасман мен ҳам, оқсоқол,
Соволим жавобсиз, жавобим — савол...
Бир дамда минг ёққа бош урар ҳаёл,
Охирга не қолди ситамдан ўзга?!

Неча она даркор кўзим артмоққа,
Тўп-тўп булутларнинг этаклари-ла!
Яхшиям тирикман, омонман ҳали.
Кимга миннатдорман сийнамдан ўзга,
Столдан, қоғоздан, қаламдан ўзга?!

Озарбайжон тилидан
Рустам МУСУРМОН таржимаси.

ВАПАНА АПАНА ЖОН

Жаҳонгир ШАРОФБОВ



Ўйламай оқибатни,
Хайрни, саховатни,
Бошда бор охирати —
Ҳисобни ўйламайсан.

Кетар ҳусну жамолинг,
Вафо қилмайди молинг,
Бир кун танг бўлар ҳолинг,
Азобни ўйламайсан.

Бўлма гофил ё каракт,
Эк меҳр номли дарахт.
Кутиб ўтирмайди вақт,
Шитобни ўйламайсан.

Соғинчларим сизиб-сизиб,
Оқди кўнгил қатларидан.
Суратини кетди чизиб,
Ёрга ёзган хатларимга.

Чикмас қўйнаб бу жонимни,
Излаб борсам кечалари.
Кундуз борсам товоимни,
Куйдирар тош кўчалари.

Ноиложман, кўнглим синиб,
Тош отаман айвонига.
Топгани йўқ яхшисини,
Қарамайди ёмонига.

Ховлисига бордим кириб,
Эшитай деб товушини.
Ҳайдаб солди улуктириб,
Момосининг қовушини.

Қайсаргина қиз-да ўзи,
Мен аҳдимдан қайтганим йўқ.
Битта бўлар ошқ сўзи,
Ҳали унга айтганим йўқ.

Маъмура ЗОҲИДОВА



— Шунчамак кеч келасанми? — Узун йўлакда
қўринишим билан ўчоқ олдида куйманиб юрган
опам жерки берди. — Сенга ишониб ишда юра-
версам борми, шарманда бўларканман.

Тугунимини пешайвон бурчагига қўйдим.
Ўзимни оқлаган бўлдим:

— Ойим қатлама қилиб бераман, деб кечик-
тириб юбордилар-да, буни устига “Форд” ҳам
кела қолмади.

Опам қатлама дарагини зшитиб бир оз ю-
шади. Айвондан поччам чиқиб келди. Қўллари
қир бўлса керак, қийимига теккизмаслик учун
икки ёққа ёзиб олган.

Поччам билан савол-жавоб қиламан, ҳол-
аҳвол сўрайман. Таниш-билишлар билан уч-
рашганда ишлатиш учун ёдлаб олган мулоза-
матларим табиий чиқсин деб тиришаман, ҳар
галгидек.

Кейин опамнинг кетидан меҳмон кутадиған
хатта уйга, ҳали дастурхонни чала безатилган
қонага кирдим.

Опам ҳозир пиширган сомбулсаси билан
мен келтирган қатламани ўртадаги барқашдек
патир нонлар устига жойлаштираркан, қувонч
билан:

— Хайрият, ичкилик билан картани йўқ қи-
лишибди поччаларинг, — деди.

Қулгим қистади. Опамнинг шунга ишониб
ўтиргани-чи, ёш болага ўхшаб.

— Ҳа, оғзингни таноби қочапти? Тинчликми?

— Йўқ, ўзим, — шоша-пиша дастурхонга
тушиб қолган узум доналарини териб ола бо-
шладим.

Опам барибир қулишим сабабини тушун-
мади. Бир олайиб қўйиб, ўчоққа, ошга жаз бо-
шлаган қозон олдида кета бошлади. Ҳар гал йў-
лимга қопиб чиқадиган жиянимнинг ўрни ёмон
билиниб кетди.

— Ишингиз қамайибди-ку, Чаросни опе-
лайми? — дедим кўнглим тўқилиб.

— Ҳа, майли, опчақол. Уларниям жонига
теккандир.

Икки девор наридаги қўшинсиникидан жи-
янимни кўтариб олиб қикдим.

Билагимга осилган тутасаватчада нок, Ко-
сон ноки эмиш. “Дастурхонга қўярсизлар”, деб
“яхши чиқишадиган қўшниси” тутказиб юборди.

Чарос иккимизнинг йўлимизга поччам
чиқиб келиб, қизини қўлига олди, чучук тил би-
лан эркалата кетди.

Бирин-кетин поччамнинг оғайнилари кириб
кела бошлади. Аввалига катта уйдан “гурр-
гурр” қулги зшитилиб турди, кейин жуда муҳим
масалани ҳал қилаётгандай қизгин суҳбатга
ўтишди. Опам иккимизда тиним йўқ. У плитага
кастриолкада солиб қўйган қайнатма шўрванинг
тузини қўриб, зиравор солади, мен чой дам-
лайман, у чойни поччамга узатиб келади, мен
ўчоқнинг ўтига қарайман, у аччиқ-чучукка пиёз,
шўрванинг бетиға кашиниқ тўрайди, мен поми-
дорни чайиб бериб, жиянимга у-бу едираман.

Меҳмонларнинг охиригиси — Теймрали биз-
нес келгандан кейин шўрва қўйдик. Ичкарида
ғалати-ғалати суҳбатлар бошланди. Поччам
кириб-чиқатганда унинг асабийлашаётганини
сездим. Кейинги гал меҳмонхона эшиги ёй-
қиллаганини эшитиб, чой-пой керакми, деб шу
томонга юрдим. Пучоқ тўла ликобларни кўтариб
келатган поччам, қўл узатиб турганимга қара-
май, уларни бермасдан: “Ўзимнинг ишим бор”,
деб ўтиб кетди. Ҳали сувоғи охирига етмаган
кесакдевор ошхонада опам иккимизнинг бир-бир-
ига дағал-дағал гапирганини эшитилди.

— Олиб беравер, яна жойига қўйиб қўясан,

— деди поччам шовинчиқариб.

Опам зарда билан жавоб берди:

— Ўзингизники бўлса ҳам майли эди. Устан-
гиз қийимига келиб қолса-ю, чўнтагида картаси
йўқ бўлса, нима деган одам бўласиз? Ўғрига
ўхшаб. Ўзи чўнтагига қўл тикқанимгаям пушай-
мон бўп турибман.

— Шунча кун келмаган ҳозир кеп қоларми-
ди. Обсеравер. Яна солиб қўямиз дедим-ку.

— Уйнамаймиз, келишиб олдик, деган ким?

— Пулгамас. Шундоқ ўйнайди. Йўқасам, зе-
риқиб қолади, бўл тез.

Равон меҳмонхонага жиёс бўлганидан
ичкаридагиларни безовта қилмаслик учун чи-
роқни ёқмай, ичкари деразадан тушиб турган
ёруғда ўртага осиб тахт қилиб қўйилган белан-
чакка қўлимда ухлаб қолган Чаросни ётқизиб,
секин-аста тебратилгаша тушдим.

Меҳмонхонадан антиқа суҳбатлар зшити-
лар, биз, айниқса, мен зшитмаслигим керак
бўлган гаплар худди чироқ нурларидай бутун
ховли бўйлаб тараларди.

— Қайси Толибни айтасан? Хузурмадғими?

— Ҳа, ўша.

— Вой...
— Секин, зшиқда хотинлар бор.
— Ҳозир селитра сотовотти.
— Э, одам бўптимиз у? Жалилнинг катта қизи
билан юраркан, Толибнинг дадаси зшонмасми,
“Сўратволасан”, деб қўймаптийкан.
— Вай, гап йўқ. Хотинидан қўрмай бошқаси
билан даври даврон... Шер экан-да, шер.
— Ҳўроз дегин, ҳўроз.
— Кимнинг қизи билан?!

— Жалил чўлоқ бор-ку.
— Ҳа?
— Ўшанинг олдин Бахтиёр пахтачи олиб
қўйворган қизи бор.

— Ҳа, билман.

— Ўша билан.

— Хотини кимларданийди?

— Кимнинг хотини?

— Толибнинг?

— Абдулла аханинг қизи. Фермернинг.

— Ҳа-ҳа, бўлди. Зўр хотин. Одамга тикка қа-
рамайди, ўша-а? Қорачароқ, ориқ.

— Ҳм.

— Булар кўп туртирворди-да

Толибни.

— Энди, пул дейсала-ю,

ана, Зикрилла аханинг катта ўғли бор-ку, Шер-
хоннинг жияни, ялангоёқ бўлсаям беваларнинг
томидан ошиб юрди.

— Эй-эй, биров билан ишин бўлмасин. Қўр-
май-билмай гапиршингни қара.

Қулгим қистади. Яна беихтиёр ичкарига
қулоқ соламан.

— Бўлди, чўзаверманглр. Раҳмон, бўлди,
бошқа гапга ўт. Қўрмаясанми, гапинг Музагга-
тегиб кетвотти.

— Эээ, ҳаа, қайинсингис-ку, воҳ, қалла, —
шу ерда қайсидир пешангага қафт билан “шап”
этакзиб урилгани эшитилди.

— Палакни босибсанми, палакатсан-да,
ўзинг ҳам.

— Унгамас. Қайинсингил бўлса, икки пул
манга. Аммолекин, билмай туриб гапирмаган
яхши-да. Ман бир нарсани қўрмасам, ҳечам
гапирмайман.

— Ҳа, эржақ-да, бу киши. Натуралний мужик.

Опам Чароснинг ухлаган-ухламаганини
билишга кирди. Ичкарига зшитилмаслиги учун
шивирлаб деди:

ЭРКАКЛАР ГАПУ

ичкаридан унинг ялинганнамо овози эшитилди:

— Ийй, Давлатжон, қаёққа? Ўтиринг, ўти-
ринг.

— Бир иш чиқиб қолди, ўлғидай зарил. Бор-
масам бўлмайди.

— Ўтинг жийингизга, э. Мана, ҳозирга до-
вур сансираган бўлсам, ҳурматингизни
қилиб, сизлаб турибман. Ўтиришнинг

бузворасизми? Ўзим рухсат бермагунча
кетиб йўқ.

Поччам кетмоқчи бўлган синфдоши-
ни аранг ўрнига ўтқазиб қайтиб чиқди. Ровон
уйдан Чароснинг йиғиси эшитилди. Ичкари-
нинг галвасидан чўчи кетди, шекилли. Йиғи
овози меҳмонхонага кирмасин учун опам менга
қараб шошил деган аънода ишора қилди. Ки-
риб тебрататганимда поччам ташкарига чиқиб
кетди-ю, қайта жойлашаётган оғайниси норози
оҳангда тилини чиқиллатганча тўнғиллади:

— Шуям ўтиришим? Совуқдан совуқ,
Гўштқовурдоқ қўямасин бизга, ўзимизникидан
опелсин.

— Гапини қаранглр. Охирги ўтиришда,
кейинги кругдан келишув қилганимизда, ким
опелса, паллоон-туғуун деган ким?

— Манмас ҳарқалай.

— Эй, уртоғлар, битта гапирилади, битта иш
тутилади. Бугун ундоқ, эртага мундоқ бўлиб,
хотинчалишга ўхшамасдан.

— Шу ўтиришни йўқ қилса ҳам бўлади. Ўзи
шундоғам почти ҳар ой тўйига тўпланвоттик.

— Ий-е, Тентакмасан, битта гапирини йўқ қилар-
миш. Ўзинг йўқ бўп кетовур.

Ховлига чиққанимда поччам шоша-пиша

кўча томонга чиқиб борарди. Яна қўлгим кел-
ди. Яхшики, опам ертўлага даладан олиб кел-
ган икки челақ узумини осиб, кейин ош лаган
олишга тушиб кетган. Ўчоқнинг оловига қараш
учун қозон тепасига келдим. Бир оздан сўнг
поччам яна катта-катта одимлаб қўйнига бир
нимани солиб олганча оғайнилари ёнига кириб
кетди. Уйдан: “Э, бор бўлинг-е”, “Ана, ана, ана.
Бу бошқа гап”, “Ўххў, Раҳим, қоч энди, Шодмон
билан бир қўл ўзим ўйнайман, уйқўларим қочиб
кетди” деган гаплар баралла эшитилди.

Уйқўм келиб, ўчоқ бошида тиззамни
қучоқлаганча мудрай бошлаганимда опам
идиш-товуқларни ювишга сув олиб чиқатган
экан. Дарров қўлидан олдим.

— Буларнинг бўлгани шу экан, — деди опам

кўча томонга чиқиб борарди. Яна қўлгим кел-
ди. Яхшики, опам ертўлага даладан олиб кел-
ган икки челақ узумини осиб, кейин ош лаган
олишга тушиб кетган. Ўчоқнинг оловига қараш
учун қозон тепасига келдим. Бир оздан сўнг
поччам яна катта-катта одимлаб қўйнига бир
нимани солиб олганча оғайнилари ёнига кириб
кетди. Уйдан: “Э, бор бўлинг-е”, “Ана, ана, ана.
Бу бошқа гап”, “Ўххў, Раҳим, қоч энди, Шодмон
билан бир қўл ўзим ўйнайман, уйқўларим қочиб
кетди” деган гаплар баралла эшитилди.

Уйқўм келиб, ўчоқ бошида тиззамни
қучоқлаганча мудрай бошлаганимда опам
идиш-товуқларни ювишга сув олиб чиқатган
экан. Дарров қўлидан олдим.

— Буларнинг бўлгани шу экан, — деди опам

кўча томонга чиқиб борарди. Яна қўлгим кел-
ди. Яхшики, опам ертўлага даладан олиб кел-
ган икки челақ узумини осиб, кейин ош лаган
олишга тушиб кетган. Ўчоқнинг оловига қараш
учун қозон тепасига келдим. Бир оздан сўнг
поччам яна катта-катта одимлаб қўйнига бир
нимани солиб олганча оғайнилари ёнига кириб
кетди. Уйдан: “Э, бор бўлинг-е”, “Ана, ана, ана.
Бу бошқа гап”, “Ўххў, Раҳим, қоч энди, Шодмон
билан бир қўл ўзим ўйнайман, уйқўларим қочиб
кетди” деган гаплар баралла эшитилди.

Уйқўм келиб, ўчоқ бошида тиззамни
қучоқлаганча мудрай бошлаганимда опам
идиш-товуқларни ювишга сув олиб чиқатган
экан. Дарров қўлидан олдим.

— Буларнинг бўлгани шу экан, — деди опам

кўча томонга чиқиб борарди. Яна қўлгим кел-
ди. Яхшики, опам ертўлага даладан олиб кел-
ган икки челақ узумини осиб, кейин ош лаган
олишга тушиб кетган. Ўчоқнинг оловига қараш
учун қозон тепасига келдим. Бир оздан сўнг
поччам яна катта-катта одимлаб қўйнига бир
нимани солиб олганча оғайнилари ёнига кириб
кетди. Уйдан: “Э, бор бўлинг-е”, “Ана, ана, ана.
Бу бошқа гап”, “Ўххў, Раҳим, қоч энди, Шодмон
билан бир қўл ўзим ўйнайман, уйқўларим қочиб
кетди” деган гаплар баралла эшитилди.

Уйқўм келиб, ўчоқ бошида тиззамни
қучоқлаганча мудрай бошлаганимда опам
идиш-товуқларни ювишга сув олиб чиқатган
экан. Дарров қўлидан олдим.

— Буларнинг бўлгани шу экан, — деди опам

кўча томонга чиқиб борарди. Яна қўлгим кел-
ди. Яхшики, опам ертўлага даладан олиб кел-
ган икки челақ узумини осиб, кейин ош лаган
олишга тушиб кетган. Ўчоқ

БОБУР ИЗИДАН ЮРГАН ОЛИМЛАР

Алишер Навоийнинг муаззам “Хамса”си нафақат шоирнинг, нафақат ўзбек шеърятининг, балки ўнлаб халқлар сўз санъатидан ташкил топган туркий адабиётнинг ҳам бетимсол обидаси саналади.

Бобурнинг оламга машҳур “Вақоеъ” (“Бобурнома”) мемуарини эса, бу асарнинг дунёвий мавқеини ёдда тутган ҳолда, туркий адабиётнинг Навоий “Хамса”сидан кейинги иккинчи улуғ асари, дейишга журъат этамиз. “Бобурнома” туркий тилдаги дастлабки йирик наср намунаси бўлибгина қолмай, бутун Шарқ оламидаги энг биринчи реалистик бадий асар ҳисобланади ва шу жиҳати билан ҳам у Бобур номини бутун дунёга танитди.

Ҳиндистон, умуман, Осиё географияси, тарихига ижтимоий қизиқишлар, Фарб оламининг конкрет манфаъда қараб йўналган тафаккур тарзи, қолаверса, бадий дидининг ўзига хослиги боис ҳозир Бобурнинг дунё миқёсда Навоийдан ҳам машҳурроқ эканини эътироф этишимиз керак. “Хамса” бошқа тилларга энди-энди таржима қилина бошлади, ҳолбуки, “Бобурнома” адибининг вафотидан кейинроқ форсий тилга бир неча бор ўтирилган бўлса, орадан биринчи аср ўтиб, Европани ҳам забт этишга киришди: 1705 йилда Витсен томонидан ҳолланд тилига ўғирилди, 1826 йилда Ж.Лейден и В.Эрскин, 1905 йилда Р.Колдекот, 1909 йилда А.Бевеиж, кейинроқ эса Талбот ва бошқалар томонидан инглизчалаштирилган. Уни немислар (1810 йили Ю.Клапрат; 1828 йили А.Кейзер), французлар (1871 йили Паве де Куртейл; 1980 ва 1985 йилларда Бакке Громон), шунингдек руслар, покистонликлар, афгонлар, ҳиндлар, турклар ва бошқа халқлар ўз тилларига таржима қилишган.

1842–1916 йилларда яшаб ўтган англиялик олим аёл Анетта Сусанна Бевеиж ва унинг эри Ҳенри Бевеиж ана шундай фидойи таржимонлардан. Улар Бобур ва Бобурийларни ўрганишга ўз умрини бағишлаган, ҳатто бисотларидаги денгиз кемасини сотиб, пулини белгиза туғиб, Бобур изидан йўл олган: Бобур қачон қаерга боргани, қаерда қанча кун турганини тасвирлаган бўлса, ундан тўрт асрача кейин, йилнинг ўша ойи ва ўша куниде айна Бобур юрган йўлдан юриб, Бобур изларини излаган, ҳатто “Бобурнома”га битилиб, кейинчалик йўқолиб кетган йиллар тафсилотларини қайта тиклаган. Буларни эшитиб, ҳайрон қоласан, киши.

Маълумки, “Бобурнома” қўлёзмалари матнида 1504–1505, 1509–1518, 1520–1524 йиллар тафсилоти кейинчалик йўқолган. Ҳатто уларнинг асар матнидан қандай сабабга кўра узилиб кетгани ҳам аниқ эмас. 1508 ҳамда 1520 йиллар воқеалари баёнида ҳам узилишлар бор. Баъзи олимлар бу қисмларни муаллифнинг ўзи асарининг умумий матнидан олиб ташлаган, деб тахмин қилсалар, бошқа тадқиқотчилар ўша йиллар воқеалари баёни Бобурнинг авлодлари томонидан қисқартирилган, деб даъво қиладилар. Ўзбек олими, адиб Пиримқул Қодиров эса “Юлдузли тунлар” романида бунини бадий тарзда кўрсатишга ҳаракат қилади – Бобур-



далари дарж этилган бўлса, йўқолган қисми – оз эмас, кўп эмас, нақд ўн тўрт-ўн беш йил тафсилотлари (“Бобурнома” хронологик тарзда битилганидан келиб чиқиб айтдиган бўлсак) қарийб 40 фоизини ташкил этади.

Анетта Бевеиж ва Ҳенри Бевеиж тарих титқилаб, асарнинг ана шу “кемтик” жойларини тиклашган. Бу қанчалик қўламли иш эканини ўзимча тасаввур қиламан: Бобур ўша ўн беш йиллик тарих тафсилотларида нималарни тасвирлаган бўлиши мумкин, шуни топиш учун озмунча илмий ва тарихий асарлар билан танишиб чиқишганим? Ва ниҳоят, ҳар бир йил воқеаларини обдон ўйлаб, асарни бир бутун, мукамал ҳолга келтиришганим.

Буни ўзимиздаги қайси бир бобуршунос қила оларди, деб ўйлайсиз? Ким ўз ҳаётида бутун топган-тутганини тўрт аср муқаддам яшаб ўтган бир сиймога бахш этишдай валломатликка қодир?

Биз “Фарб оламининг конкрет манфаъатга қараб йўналган тафаккур тарзи” деган гапларни пеш қилиб, уларни манфаъатпараст – прагматик одамлар сифатида эълон қилгандик. Ана энди ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: биз ўшаларчалик фидойи бўла

олаимизми, кўполлик учун узр: аслида уларми наф ва нафс бандалари ёки бизлар?

Камина инглизчадан бебаҳра. Аммо Бобурга, айниқса, унинг шу машҳур асарига, бир ўзбек зийлиси қатори, қизиқишим кучли. Ўша йўқолган ўн беш йиллик тарих тафсилотлари қандай воқеаларни ўз ичига олган бўлса экан, деб ўйлаб юраман.

Албатта, Шарқ дунёсининг машҳур бир вакили қаламига мансуб асардаги “оқ саҳифалар”нинг Фарб мардумлари томонидан бутланиши асносида, бу фидойи олимлар ҳарчанд уринишмасин, воқеалар баёнида бошқача тасвир усуллари ишга тушиши табиий. Давр, тил, дунёқараш тарзи – бошқача. Эҳтимол, биз ўрганган, биз кутган “Вақоеъ...” равишида эмасдир, аммо, нима бўлганида ҳам, бу “Бобурнома” ку?

2008 йилда Ваҳоб Раҳмонов билан Каромат Муллақужаева “Бобурнома”ни ҳозирги ўзбек тилида қайта баён қилиб чоп эттиришди. Бу иш улуғ адибни бугунги ёш китобхонларга яқинлаштирибгина қолмай, Бобур асари ўзбекларнинг ўзи учун ҳам эндиликда фақат аслиятда ўқиладиган қўбиқ доирасидан ташқарига чиқди, дегани. Бобурни янада тарафдор қилган ва аниқлаштиришда адабиётшунослар кўмакка келишди.

Бу иш таржимашуносликда таъдил деб аталади. Унга халқроқ Бобур фонди бошқоқ бўлди, ҳомилик қилди. Гари бундан буюн ҳам “Бобурнома” биз учун муталаанинг асосий манбаи бўлиб қолса-да, улуғ подшоҳ, ҳозирги Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон ҳудудидида 332 йил давлат бошқарган сулоланинг асосчиси, дилбар шоир ва энциклопедист олим Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг бу асарини аслиятдагина эмас, бошқа тилдаги шарҳлари, илмий ва бадий талқинлари орқали ҳам ўқиш вақти етди.

Бобурийлардан қолган тарихий обидида ва бошқа осори атиқларини ўрганиш, тадқиқ этишни шунча узоқ йиллардан бери уddалаб келаётган Бобур халқроқ фонди ҳозирги кунларда ҳам кўп ишларни амалга оширяпти. Жумладан, Ҳерольд Лембинг “Бобур – йўлбар” тарихий романи ўзбек тилига ўғирилиб, нашр этилиши ҳам айни фонднинг ҳомилиги билан амалга ошди. Шуларга бир қўшимча тилак сифатида – Бобурнинг илмий ва адабий меросини қидириб топиш учун турли мамлакатларга экспедиция уюштириш каби хайрли ишларни давом эттирган ҳолда, баъзи бошқа тадбирлар, чунончи, Бобур бундан беш юз қирқ йилча аввал бугунги Наманган вилоятида тутилганмиди ёки Андижон вилоятида, деган каби илмий аҳамияти бўлмаган, очик айтсак – маҳаллийчилик ҳиди келадиган мавзуларга қараганда муҳимроқ ишлар, жумладан, ана шу “Бобурнома”ни тиклашга жидду жаҳд қилган Анетта ва Ҳенри Серж Бевеиж “Бобурнома”сини ҳам ўзбек тилига ўғириб, жамоатчиликка етказишни кутсак, ўринли бўлади, албатта.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

“Шоҳнома”нинг ўзбек тилига таржимаси ҳақида” мавзусидаги номзодлик ишмининг йўлланма билан Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига олиб бордим. Институт директори, профессор Б.Жураев мени матншунослик ва манбашунослик бўлимига юборди. Фанимизнинг фидойи дарғаси, машҳур навоийшунос Ҳамид Сулаймон илик қутиб олди-да, сўради:

– Бугун ҳафтининг қайси кунини?

– Бугун чоршанба, устоз, – дедим.

– Ундай бўлса, келаси чоршанба кунини диссертациянгизнинг муҳокамасини уюштириш, тайёрланиб келинг, – деди қатъий бир оҳангда.

Ҳақиқатда ҳам, айтган кун муҳокама бўлди. Бўлим ходимларидан беш киши илмий тадқиқот иши юзасидан сўзлаб, жиддий таҳлил қилишди. Устознинг ўзи ҳам зўр гапирди ва диссертация ҳумояга тасвир этилди. Баъзан тадқиқотчиларнинг илмий иши муҳокамаси ойнаб чўзилиб ётадиган тақдиротда диссертациянинг тезда ўқиб чиқирилиши мени тўқинлаштириб юборди. Устознинг ҳузурига кириб кўз ёш билан миннатдорлик изҳор этдим.

– Сизга омад тилайман. Домлангиз Натан Муродовичга мендан салом айтинг. Садоқатли шогирдлар қўлайса, устозлар қалами ерда қолмайди, – деб кетишга изн берди.

Ҳа, Ҳамид Сулаймон ёшларнинг меҳрибон ҳомииси, ҳаётда ҳам, илмда ҳам шиддатли, девкор инсон эди. Бўлгуси жонфидо, миллат маънавияти йўлида ўзини аямийдиган Ҳамид ака 1911 йили Тошкентда зийли Сулаймонқўжа оиласида дунёга келди. Дастлаб ўрта мактабда ўқиди, кейин Тошкент кинотехникумида тахсил қурди. Ана шу йилларда у машҳур татто Мулла Ўтаб домладан хусниҳат сирини, Уста Мўмин (Николаев) ҳамда Ч.Новиковдан тасвирий санъат сир-синоатини, Вера Петровадан рус тилини ўргана бошлади.

1928 йили Москвада кино институтини очилди. Сулаймонқўжа ўғлини олиб, ота-бола ана шу институтда ўқигаша жўнашди. Ота режиссёрлик, ўғил эса операторлик факультетига қирадилар. Ҳамид ака машҳур рус режиссёрлари Кармен, М.Ромм билан бир аудиторияда дарс ўқиди. 1932 йили ўқушини тугатган Ҳамид Сулаймон Ўзбекистон маданияти қурилиши илмий текшириш институтининг аспирантурасига қабул қилинди. Ўз навбатида Сулаймонқўжа ҳам ўзбек кино санъати тараққиётига муносиб улуш қўшди.

Аспирантура хатмидан сўнг, Ҳамид Сулаймон Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига ишга юборилди. У рус ва ўзбек филологияси факультетларида Фарбий Европа халқлари адабиётидан маъруза ўқиди; айни пайтда профессор С.Н.Березовский маърузаларини ўзбек тилига таржима ҳам қиларди. У кейинчалик Ўрта Осиё давлат университетидида ҳам фаолият юритди. 1947 йили Ҳамид Сулаймон Ленинград университетига илмий сафарга юборилди ва бу ерда у “XIX аср француз реалист ёзувчиси Проспер Мериме новеллалари” мавзусида номзодлик диссертациясини (1948) ҳимоя қилди. Афсуски, чет эл адабиёти бўйича ягона ёш олим 1950 йили бошқа зийлилар қатори “миллатчилик”да айбланиб қамоққа олинди.

Замонамиз алломалари орасида шундай зотлар борки, жилд-жилд асарлар яратиб, фанимизнинг у ёки бу соҳасини назарий ва

амалий жиҳатдан бойитадилар. Лекин улар қаторида шундай инсонлар ҳам борки, умр бўйи изланишда бўлиб, янги-янги ихтиролар яратадилар, ҳамиша янгиллик топиш, маънавиятимиз зарварақларини кашф этиш пайидан бўладилар. Ҳамид Сулаймон ана шу иккинчи тоифа олимлар сирасига қирадиган ўта жасоратли донишмандлардан эди. Ленинграддагидаёқ Салтиков-Шчедрин номидаги кутубхонанинг қўлёзмалар бўлимида ўзбек адабиёти тарихига, жумладан, Алишер Навоий меросига доир қўллаб қитиблар мавжудлигини аниқлаган Ҳамид Сулаймон ноҳақ бўхтондан оқлангач (1955), машҳур шарҳшунос Е.Э.Бертельс маслаҳати билан асосий эътиборни Навоий ижодини ўрганишга қаратди. Тошкент, Москва, Ленинград, Душанбе, Қозон шаҳарлари қўлёзма фондларида сақланаётган Навоий асарлари нусхаларини аниқлаб, улардан кўчирма олишга эришди; ўз диққатини Навоий лирик куллитининг танқидий


УСТОЗЛАР ҚАЛАМИ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

матнини яратишга қаратди. Ишга Ленинградда сақланаётган “Хазойин ул-маоний”нинг энг тугал нусхаси асос қилиб олинди, йигирмата қўлёзма қиёслаб чиқилди. Бу билан қаноатланмаган олим Оксфорд университетининг Бодлеан кутубхонасидаги, Лондоннинг Британия музейи, Париж миллий кутубхонаси, Нью-Йорк Метрополитен музейларида сақланаётган Навоий лирикаси қўлёзмаларидан фотонусхалар олишга муваффақ бўлди, “Девони Фоний”нинг Париж кутубхоналарида сақланаётган асл нусхаси кашф этилиб, Ватанимизга акси келтирилди.

Узлуқсиз меҳнат, уйларидаги фотолаториядаги кунни тунга улаб чекилган заҳмат, аниқ жаҳдал асосида нини билан қудуқ қазигандай фидойи меҳнат ўз ҳосиласини берди: 1959 – 1960 йиллар орасида “Хазойин ул-маоний” тарихида илк бор тўрт китоб шаклида нашр этилди; устоз Навоий лирикасининг текстология тадқиқоти бўйича докторлик диссертациясини (1961) ҳимоя қилди, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Адабиёт музейини ташкил этишга муваффақ бўлди, Шахсан у кишининг ташаббуси билан “Адабий мерос” илмий журнали нашр этила бошланди.

Устоз энди ўзбек маънавияти ва адабиёти ижтимоий излаб Шарққа юзланди: Афғонистонда, шогирдлари Саидбек Ҳасанов билан бирга икки марта узоқ муддатли Ҳиндистон илмий сафарига бўлди. Дехли, Сингапур, Лакнава, Агра, Олигарх, Ҳайдаробод, Бомбей ва бошқа шаҳарлардаги қўлёзмалар хазиналари билан танишиб ва қўллаб туркий ҳамда форсий тилдаги асарларнинг қамбў нусхаларини илм-фанга маълум қилди. Жумладан, ана шу сафарлар жараёнида ҳали ўзбек адабиётини нусхаларига нотаниш бўлган Ҳофиз Хоразмийнинг девони, Саид Қосимий маснавийлари, Соиб Табризий куллитини, Исмоил Жузжонийнинг “Захираи Хоразмшоҳий”, Комрон Мирзо девони, “Бобурнома”нинг илмийда ноёб нусхалари аниқланиб, микрофильмларини қўлга киритишга эришилди.

Ўша йиллари Ҳамид Сулаймон ва шогирдларининг саъй-ҳаракатлари билан “Девони



Фоний”, Ҳофиз Хоразмий девони, Саид Қосимийнинг “Гулшани роз” ва бошқа маснавийлари Ўзбекистонда илк мартаба чоп этилди ва улар асосида илмий тадқиқотлар яратилди. Ана шу жараёнда олим “Ақбарнома”нинг нодир нусхасини, Низомий “Хамса”сининг Навоий замонида кўчирилган безакли дастхатини, Лутғий, Ҳайдар Хоразмий, Амирий, Яқиний

асарларининг мажмуасини, Убайдий девони қўлёзмаларини ҳам аниқлаб, қўлга киритган. Қувонарлиси, Низомий асарининг ана шу нусхасига Бехзод ва унинг шогирдлари миниатюра чизилган экан.

Илмий сафарлар даврида Ҳамид Сулаймон туркий тил ва ундаги манбаи аниқлаш, ўрганиш билангина чегараланиб қолмай, Бехзод, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Нодир Муҳаммад Самарқандий, Дорошхуҳ сингари рассомлар ҳаёти, мероси, сафавийлар даври тасвирий санъати, умуман, Шарқ миниатюра санъати неъматлари билан ҳам қизиқиб, улардан ҳам фотонусхалар олишга муваффақ бўлди. Кейинчалик ана шу бир неча йиллик изланишлар натижаларини рафизалари, профессор Фозила Сулаймонова билан ҳамкорликда “Бобурнома” миниатюралари”, “Низомий “Панж Ганж”ига чизилган миниатюралар”, “Навоий асарларига чизилган миниатюралар”, “Хирасар Деҳқоний асарларига чизилган миниатюралар” номи билан бир неча мураққаъ-альбом шаклида ҳавола этилди.

Маълумки, 1968 йили буюк ўзбек шоири Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги бўлган бўйлаб нишонланди. Ана шу муносабат билан шоир асарларининг ўзбек тилида 15 жилдлик чоп этилган эди. Ҳамид Сулаймон ушбу нашрларни ташкил қилишдан ташқари, бир неча жилдлик ўзи тайёрлади, баъзиларига ўзбек ва рус тилларида муқаддималар ёзди; шоир ҳикматларининг бир неча тилда нашр этилишига бош-қош бўлди.

Ана шундай: боғни биров бунёд этади, кейинги авлодлар унинг файзидан, мева-ларидан баҳраманд бўлади. Ҳозирги замон фанимиз алломаси Ҳамид Сулаймон дунё бўйлаб юриб туллаган маънавиятимиз зар-варақларини ҳамон ёш тадқиқотчилар очиб кўриб, ундан ўзларига яраша неъматлар те-риб, руҳан озқилгани, устозни ўзлари билан ҳамроҳ қилиб юрибдилар. Зероки, энгла или улашган, маънавият неъматларини тарқатганлар мангуликка дахлдордирлар.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

Ўзбек драматургиясида сўнгги ўн йилликлардаги сусайишга театрлар дуч келадиган моддий қийинчиликлар сабаб бўлгани ҳам бор гап. Бунинг оқибатида “хонтахта” деб аталувчи зўрақилик театр сахналарига ҳам ўрмалаб чиқиб борди. Томошабинни жалб этиш, театр кассаларини тўлдирish учун ҳатто миллий театр сахнасида ҳам олди-қочди спектакллар қўйиладиган бўлди.

Сусайишнинг яна бир сабаби бакувват драмалар ёзилмаётгани эди. Шу пайтда таниқли ёзувчи Назар Эшонқул моҳир драматург сифатида “ярқ” этиб кўринди ҳамда унинг бирин-кетин икки драмаси: “Жалолиддин Мангуберди” ва “Уруш одамлари” сахналаштирилди.

“Жалолиддин Мангуберди” драмаси премьераси 2020 йил 1 мартда бўлиб ўтди. У коллизияларга бойлиги, актёрлар ижросидаги монологу диалогларнинг таъсирчанлиги, воқеалар динамикаси билан томошабинлар эътиборини тортди.

Асарда Хоразмшоҳлар саройидаги мўғул ўқинларни босиб келиши арафасидаги интригалар оқибатида валиахд қилиб, Жалолиддин эмас, қўроқ шахзода Узлоқшоҳ тайинланиши, унинг эса мўғуллар билан билан мурося қилишга мойиллиги очиб берилди. Аммо унинг отаси, хоразмшоҳ Султон Муҳаммад душман эшиқдан ҳам, тешиқдан ҳам бостириб келадиган пайт тахтдан воз кечиб, Жалолиддиннинг султон қилиб тайинлашга фармон беради: “Жалолиддин! Динимиз учун, ватанимиз учун, ҳаммамиз учун ўч ол! Бу менинг сўнгги васиятим!”

Аслида Жалолиддиннинг султон бўлиши ниҳти ҳам йўқ эди, аммо ватан ҳаф остида қолганда, бобоси Эл Арслоннинг қили-

чини яланғочлаб, жангга қиради: “Мен ўз жонимни кутқариш учун султон бўлганим йўқ. Шаъни бўлганган аёлларнинг, туюқлар остида янчилган болаларнинг, шаҳид кетган аллаларнинг ўчини олиш, падали марзукворимнинг васиятини бажариш учун султонликка рози бўлдим”.

Юрти озодлиги йўлида тинмай курашадиган, ҳатто шахзода, ўғли Қўтбиддин сотқинлик сабаб Чингизхонга асир тушиб қолиб, қатли муқаррар эканида ҳам, ўғил билан ватандан бирини танлаш керак бўлганда, минг бир азоб билан бўлса-да, ватанини танлайди: “Ўғлим, Қўтбиддин, отангни кечир, болам! Сени ҳимоя қилолмадим. Шу юрт фарзандим! Бурчим муқаддас, душманга бош эгилшга изн бермайди, болам! Оталик бурчим эса Чингизнинг талабига розилик бер дейди! Қисмат ҳам шунчалик аччиқ бўладими?!.. Сenga ота бўлсам, юртимга фарзандман! Мени кечир!.. Юртимнинг бир сикими хокига айланадиган фарзандим! Сен энг азиз тупроққа айланасан! Марду май-домлар тавоб қиладиган ерга айланасан! Ватанга айланасан!..”

Қўтбиддиннинг руҳи драма сўнгига ҳавода учадиган: “Ҳаммага айт. Султон Жалолиддиннинг фарзандлари уча оларкан, уларни ўлдириб ҳам, енгиб ҳам бўлмайди. Чунки улар ватан фарзандларидир де!”

Шу ўринда драманинг яна бир ёрқин ва мураккаб образи Туркхон хотини ҳам тилга олиш жоиз. У саройдаги жуда кўп фитна-ларнинг ортида туради. Ҳатто ўзига Жалолиддиндан яқинроқ бўлган Узлоқшоҳнинг валиахд бўлишга эришадиган, аммо вазият танг бўлиб қолганда, барибир Жалолид-

динни, унинг жасурлигини ёқлайди, душман қўлига тушганда ҳам ўзини, гурурини йўқотмайди, асплодалигини асидан чиқармайди, ҳеч кимни сотмайди: “Мен маликаман, сотқин эмасман”.

Афсуски, адабиётимизда миллий аристократия вакиллари образлари жуда кам. Бу узоқ йиллар ўтмишни мафкура тағби остида қоралашга мажбур бўлганимиз, бойлар

ОРИЯТ ОДАМЛАРИ ЁЗУВЧИ НАЗАР ЭШОНҚУЛ ИЖОДИГА БИР НАЗАР

тимсолидаги асплодаларга ёмон кўз билан қарашга ўргатилганимиз билан боғлиқ бўлса керак. Ҳозирги шароитда бундай образларни асарларимизга жадал олиб киришимиз, улар образи орқали миллатнинг хос ва улғи олса арийдиган аспл кишилари қандай бўлганини кўрсатиб берсак, ўзбек ғоясини – ориини ўсиб келаётган авлод онгига сингдиришимиз осон бўлармики?

Назар Эшонқулнинг яна бир ёрқин асари “Уруш одамлари” қиссаси асосида ёзилган шу номили драмаси кейинги йиллардаги миллий драматургиямизнинг ютуғи бўлди, деб бемалол айтиш мумкин.

Асарда уруш йилларидаги фронторти ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

Ундаги рамзлар ёрқинлиги қаҳрамонларидан кам эмас ва улар асар ғоясини очиб бериш учун хизмат қилади. Бойхун бобонинг супасидаги устун унинг ҳассаси сифатида талқин қилинади: “Қўриб турибсан, бу Бойхун бобонинг супаси. Устунни ҳам! Аслида бу устун эмас. Бобокалонимиз

Бойхуннинг ҳассаси бу! Уни бизни ёлғондан, ҳаромдан, қабоҳатдан ҳимоя қилиб туриш учун шу ерга тийиб кетган! Агар ёлғон гапирсанг, аввалбош ўзинг, қолаверса бола-чақанг ҳам тавқи лаънатга қолади...”

Қўли калталиқ, қаҳатчилик сабаб икки фарзандини очарчиликдан сақлаб қолишга мажбур бўлган Анзират Мирзақулнинг ит-лигига қарши боролмай қолди, ҳомиладор бўлганда, айнан шу устунга боғланиб, сўроқ қилинади.

Яна бир рамз – Бойхун қояси: “Бойхун қавмдошларини ҳаромдан олиб қочинди, уларга бошлаб келган. Ўзи ҳаромнинг йўлини тўсқоқчи бўлиб, “Бойхун қоясига” айланган”. Улар – орият, ҳалоллик тимсоли, аччиқ ҳақиқат рамзи.

Ўша тимсоллар қаторида Бийди момо образи ҳам туради. У – ҳеч қандай фожиа бука олмайдиган метин иродали аёл. Икка-ла ўғлига қора хат келганда ҳам бировнинг олдида кўзёшини қўрсатмаси келмайди, келинларидан ҳам шуни талаб қилади.

Фақат бир марта Нормат хотини билан Мирзақулни отиб ташлаганда, Бойхун бобонинг устунини кучиб йилгайди: “Эй яратган эгам, биз ғуноҳдор бандаларингни ўзинг кечир! Ўзинг ғуноҳларимизни авф эт! Эй, Бойхун бобо, авлодинг бу марта ҳам ҳаромини даф қилди. Аммо у яна бош кўтарсан, уни даф қилишга унинг қурби-қуввати етармикин?”

Момо учун ҳалоллик, уруғнинг тозаллиги ҳар нарсадан устун.

Ёзувчи ҳатто энг оғир даврда ҳам инсонийлиги, орини ўйлаган, ҳеч қачон виждонига қарши бўлмаган ва уларни сақлаб қола билган одамларнинг фожиаи ҳаётини шундай тасвирлаб беради.

“Сен йўлини тўсиш учун қояга айланган бўлсанг ҳам, барибир уруш бизга етиб келди. Биз ҳаммамиз, ҳатто аёлларимиз ҳам уруш одамларига айланишди...” Уруш мендан ҳамма нарсани тортди олди. Ҳеч нарсам қолмади, эй Бойхун бобо. Гурурим ҳам, орим ҳам, шаъним ҳам... Ҳаммаси топталиб бўлди...”, деб ҳасрат қилади фронтдан ногирон бўлиб қайтиб келган Нормат Бойхун қояси олдида.

Урушдай фожиаи, мураккаб даврни қаламга олишнинг яхши бир жиҳати бор – бир жумла билан ёки образларни “ўзининг тилидан осган” ҳолда тасвирласа бўлади. Ёзувчининг маҳорати шундай ўринларда бўртиб кўринади, уларни яхши ёки ёмон эди деб уқтириб ўтирмайди.

Мана, ўша раис Мирзақулнинг ўзи икром бўлиб турган башараси: “...Уруш мушкуллими осон қилди. Эрини ўлдириб, йўлимдаги энг катта ғовни олиб ташлади. Баъзида уруш менинг ошнамми деб ўйлаб қоламан, ҳосилот... Ҳа, уруш менинг валинеъматим... Сиз сизганадиган худонинг сурати борми? Меники эса бор. Мана менин худом! (Чўнтагидан сурат чиқаради). Сталин бу...”

Бу ҳам етмагандай, у қилбага қараб намоз ўқётган Бийди момонинг бош учига ўзининг шапкасини қўйиб, намозини бузади.

ФАҲРИЁР

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Учокда 180 йулвчи, 13 нафар экипаж бор эди. Шунча инсон катта учокда бир оилга айланади. Фамни ҳам, қувончи ҳам бирга баҳам кўради. Бемор Робиннинг тўхтаб қолган юрагини йўловчи доктор ишлатиб юборади. Шунда шифокорнинг кўз олдида оғрикли хотираси, яъни шифохонага ўлик ҳолда келтирилган бола пайдо бўлади. Шу пайтга қадар у ўзини айбдор санаб келарди. Робияни қутқарган эса, доктордаги бу ҳис тарқайди. Ҳомиладор аёлга йўловчи аёллардан бири доялик қилади. Янги турилган чақалқнинг исмини қаҳрамон учувчи шарафига “Зарифжон” деб қўйишади. Робиянинг юраги ишлаб кетганда, бола туғилганида, самолёт ерга қўнганида ва бошқа қўллаб қўлминацион саҳналарда томошабинлар беихтиёр қарсак чаладилар. Аниқроғи, улар фильм давомида қаҳрамонлар билан яшайдилар.

Картинанинг асосий ютуқларидан бири 2001 йил 11 сентябрь куни АҚШдаги теракт воқеаларига оид кадрларни ижодкорлар усталик билан замонавий кадрларга сингдириб юборганида. Аниқроғи, иккисини бирлаштириб, тарихий картина яратишган. Фильмга юракнинг тез-тез уришига монанд мусиқа ёзилгани ҳам эътиборга молик. Чини билан бундай хатарли пайтларда инсон юраги шу зайлда утарди-ку! Бинобарин, мусиқалар муаллифи Муинзодага “баракалла”, дейиш жоиз. Картина сўнггида айтилган фактлар томошабинга янада кучлироқ таъсир этади: “Айнан шу кунки АҚШнинг турли штатларига қўниш кўзда тутилган, хорижий давлатлар ва маҳаллий рейслар билан учган 2000га яқин самолётлар ортига қайтариб юборилади. Қўллаб-қўчқлар Канада ҳудудидаги турли аэропортларга фавақулдада қўнишга мажбур бўлади. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпаниясига қарашли “Боинг 757-200” самолёти Канаданинг шимолида жойлашган Гос бэй ҳарбий базасига қўнган ягона экипаж бўлади”.

Албатта, ҳар қандай асарда ҳам камчилик учраб туради. Айтайлик, фильм давомида рус, инглиз тилларидаги сузлашувлар учрайди. Инглиз тилидаги гаплар ўзбекчага ўгирилган. Аниқроғи, улар синхрон таржима қилинган.

Русчада эса, таржима йўқ. Умуман, бошқа тилда ишлатилган сузларга, диалогларга субтитр бериш керак. Ана шунда фильм томошабинга янада кучли таъсир этади.

Бош қаҳрамон образини гавдалантирган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳошим Арслоновнинг картинага қўшган ҳиссаси жуда катта: у фильмда роль уйнамаган, балки яшаган. Ҳ.Арслоновни ҳеч иккиланмай учувчи дейсиз. Уни самолётдагилар ҳам, томошабинлар ҳам бирдай яхши қўриб қолади. Уйдагиларга эса Ҳошим Арслонов янада кадрли.

Назаримда, ушбу фильмдаги роли Ҳошим Арслонов ижодининг юқори чўққиси бўлиб қолади. Ҳам сўнгги ижро эди бу. Суюкли актёри-мизни Оллох раҳмат қилсин.

«ОСМОННИ КҮП СОФИНСАМ КЕРАК»

Фильм якунида такрорланган ушбу сузлар эса худди Ҳошим Арслоновнинг иккундай янграйди: “Бу сўнгги рейсим эди, осмонни ҳали кўп соғинсам керак”. Бош қаҳрамон ва актёрнинг ҳаётига оид аjoyиб уйғунлик, чиройли топилма. Мазкур фильм сценарий муаллифлари — Акром Шохназаров ва Шохсанам Сўпиева, постановкачи оператор Дилмурод Турдибоев, рассказ Алишер Тулабоев, либослар рассоми Шахноза Абдуллажоновна. Ролларни таниқли актёрлар Лола Элтоева, Олег Галахов, Умид Искандаров, Эркин Бозоров, Хуршид Тўхтаев ва бошқалар ижро этишган. Ҳаётӣ воқеалар асосида ишланган фильм тақдиротида бош қаҳрамоннинг ҳаётдаги прототиби — Ўзбекистон Қаҳрамони Зарифхўжа Саидазимов иштирок этди. Фильм тугагач, учувчи билан қисқача суҳбатлашишга муваффақ бўлдим:

— Зариф ака, ўшанда нималарни ўйлагансиз?

— Ҳар галгидай оддий рейс бўлади, деб ўйлаганман. Океанининг ўртасида бирданги Америка ҳудудида кирмаслигимиз кераклиги айтилган. Бундай пайтда учувчи ўзини со-вуққон, тинч ва хотиржам тутиши керак. Мен

ҳам ўзимни шундай тутдим. Ёнимдаги шоғирдларимга вазифаларни бўлиб бердим. Шимолий муз океанида доимо бўлутлар, тўфонлар бўлади, қақмоқлар қақади. Ҳаммасидан эсон-омон ўтганмиз. Аслида ҳарбий базага ҳарбий учоқ тизим билан қўнади. Жойлашуви фуқаро аэро-портдан умуман бошқача... Ишқилиб, йўлни қилиб қўнгандим.

— Қарорни ўзингиз қабул қилдингиз?

— Ким қилади? Командир қарор қабул қилиши керак-ку.

“Фильмдан қоникдингизми?” деган саволга шундай жавоб олди.

— Қоникдим. Жуда яхши чиқибди. Фильм устидан жуда кўп ишладик. Сценарийни менинг сузларим асосида ёзишди. Эсимга тушган

воқеаларни гапириб бердим. Бадий тўқима жуда ҳам кам қўшилган.

— Учокда чиндан бола туғилганмиди?

— Ростдан, орамизда ҳомиладор аёл бор эди.

— Қизнинг юраги тўхтаб қолгани ҳам ростми?

— Ҳа, шундай бўлган. Биз учувчилар хонасида эдик. Бу ҳақда бизга кейин айтишган. 8 соат учокда ўтирганмиз. Ҳарбийлар атрофимизни ўраб олган. Ойналар очилмаган. Қўнган-кейин уч кун у ерда қолиб кетишнинг ўзи бўлмаган. Ҳозир ҳаммасини гапириб берсам, ҳақиқатан ҳеч нарса қўшилмаган экан, дейсиз. Фамилиям ўзгартирилган. Бу унчалик муҳим эмас. Бош директорнинг: “Бошқа учмайсиз”, деган гапи бадий тўқима. Ўшанда 45 ёшда эдим. Шундан кейин яна 19 йил учдим. Деярли 64 ёшимда пенсияга чиқдим.

Ҳа, Зарифхўжа Саидазимов — замонамиз қаҳрамони. Шундай жасур инсонлар ҳақида юракларни тўлқинлантирадиган бадий асарлар ёзиш, фильмлар ишлаш керак. Шунда миллат ўзини танийди.


Фозил ФАРҲОД

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Сўнгги пайтларда ўзбек миллий театр санъати вакиллари чет эллик ижодкорлар ва ҳамкасблари билан узаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш борасида жиддий фаолият олиб бормоқдалар. Қуни-кеча пойтахтимиздаги Ўзбек давлат драма театрида намойиш этилган иккита спектакль фикримизнинг далилидир.

Дастлаб мухлислар эътиборига Қашқадарё вилоти мусиқали драма театрида Нодар Думбадзе асари асосида саҳналаштирилган “Ҳелладос” (К.Гогидзе инсценировкаси, Ойбек Вейсал ўғли таржимаси) спектакли тақдим этилди. Спектаклда Янгули ва Жемал исмли йигитчалар ўртасида “Ватанга муҳаббат” учун

ўғли ўзбек тилига ўгирган. Асарни грузиялик режиссёр Нино Маглакелидзе саҳналаштирган. Комедия унсурларига бой бўлган ушбу спектаклни мухлислар яхши қарши олдилар.



кечган кураш охир-оқибат Ватанни севиш иймондан эканлигини теран англаш билан яқунланади. Яъни Ватан бу ота-бобоси туғилган юрт эмас, ўзи туғилиб яшаган, ҳаётига рангинлик берган заминдир. Янгули айтганидек: “Ватан ҳар бир қалбда яшайди”. Асарни грузиялик режиссёр Каха Гогидзе саҳналаштирган. Асосий ролларни Илёс Қурбонов (Янгули), Достон Мўминов (Жемал), Сарвар Бадиров (Кока), Сожида Ашурова (Хола) ва бошқа актёрлар маромига етказиб ижро этганлар. “Айвон” деб номланган иккинчи спектакль Каттақўрғон шаҳар драма театри жамоаси томонидан мухлисларга тақдим этилди. Отар Катамдзе қаламига мансуб мазкур асарни Ойбек Вейсал

Г.УМАРОВА

Атиргул ифорили атирни бўйинимга пуркар эканман, ҳаяжондан қўлларим титраётганини пайкайман. Ниҳоят, бугун сенга сўнгги имкон бераман. Бугун сен учун китоблар шоқолад тайёрлаб қўйганим йўқ. Бугунги совғам ўта хавфли, айтилган манзилга қандай кўтариб бориш ҳам мени ўйлантирарди. Бой хонимлар учун уни қўлга қиритиш чўт эмас. Лекин совғам сенга ёқмаслиги аниқ.

Осло кўчалари тўла улов — кўпроқ тўладим ва вақтидан олдинроқ манзилга етиб олдим. Аёл киши бироз кечикиб бориши керак, деган қондага ҳеч амал қилмаганман. Қаерга кечиксам ҳам — сен билан учрашувга кечикиш, назаримда, катта ҳато эди. Сен мени келишилган жойда — музей ёнида кутиб турардинг. Қўрагим захоти ҳар сафаргидек хурсандчилигимни яшир-мадим, қулиб саломлашдим. Сен қўзларингчи яна олиб қочдинг, зимдан кузатдим шунда сени: кунлар иссиқ кетган эса-да қора плашда эдинг, менга сеvimли сочларинг бироз ўсган, офтобдан оппоқ юзинг қизаринқираганди. Очиғи, саломлашдик, сўнг нималардир ҳақда гаплашдик, ҳозир буни эслолмайман. Менинча, санъат, бугунги муҳит, топишларинг у янги суратларинг ҳақда гапирдинг. Мен яна жим тингладим. Сени тинглаш доим менга ёқарди, орада саволларингга жавоб берарканман, чўнтагимдаги буюмни қўлим билан маҳкам қисиб турганимни пайкайдим.

— Негадир безовтасан, Тулла? — сен ҳолатимни сездинг.

— “Қичқирки”нинг яралиш тарихини айтиб бер — дедим гапни чалғитиш учун, буни аввал ҳам эшитган бўлсам-да.

— Оқшом пайти шаҳар бўйлаб кетардим, таним чарчоқ ва касалликдан толиққанми. Кўёш ботарди — булутлар қизил рангга кирганди — худди қонга бўялгандай. Назаримда, табиатдан қичқирки овози эшитилмади, менга шундай туюлди. Шу тарти-ларни чиздим — қонли булутларни. Ранглар қичқирарди. — у ўша лаҳзани қайта томоша қилаётгандек олисларга маъносиз тикилиб қолди. — Даровке, уни тўндирипман, давом эттиряпман...

Айни пайтда менга бу суратнинг аҳамияти йўқ эди. Ҳозир тўрт йилдан бери қаршимдаги инсонга бор меҳру муҳаббатимни бағишлаганимга қарамай, сеvimини англаб етмаслиғи оғир ботарди. Ёшим 29 да, сен-ку 35 ни уриб қўйдинг, аллақачон оила қуриш ёшидан ошиб борардик. Оиланинг нимаси ёмон, ахир, нега кўнмайсан бунга?! Гўзаллигини қаршисида тиз чўккан ошқиклар, эҳтимол, отамнинг бойлиғи сабаб менга уйланишни ўстагини тушунар-дим, аммо сенинг ўзгарувчанлигингни, баъзан менга эҳтирос билан боқиб, баъзан ўзингдан нари қилишингни сира ҳазм қилолмасдим. Рашк ўти тобора ақимини

ўтмаслаштириб қалбимни қуйдирадди. Сенинг атрофингда аёллар кўп эди... Ҳа, ялонғоч аёлларга қараб туриб чизган суратларингни менга кўрсатар экансан, бундан сира хижолат чекмас, мен эса ўша ҳолатни кўз олдимга келтириб, нақ ҳушимдан айриллардим.

— Мени бир кун ўлдирасан, Эдвард, — дедим қичқираб.

— Музейга кирамизми, — деддинг гапни чалғитиб.

Бепарволигинг баттар асабимни ўйнади. Балки сен ҳамон илк муҳаббатингни унутмагандирсан, деган қиринди ўтди дил-лимдан. Тўрт йил бирга бўлсам ҳамми? О, бу Милли сени рад этиб, бошқасига турмушга чиқиб кетгани зап иш бўлган экан. Энг ёмони, номинг танилиб қолгандан сўнг у сени яна эслаб қолгани, Эдвард. Аёллар

ҚИЧҚИРИҚ ОРТИДАГИ ИҚРОР

шунақа — машхўр эркаклар ўзлариники бўлишини исташади. Мен эса сенинг, қимли-гиндан қатъи назар, қалбингни сеvimини қачондир тушунармикансан?

Музейга боқдим: олиб келган буюмим бу ерга ўта шафқатсиз-лик қилади, деб ўйладим. Сўнгги бор сенга яна ўша саволимни та-кдорладим:

— Қачон қўлимни сўрайсан, Эдвард?

Сен жилмайиб қўйдинг-да, касса сари одимладдинг. Қайтганимда мен аллақачон бу ерни тарк этгандим. Журъатим етмади режамни амалга оширишга. Йўл бўйи йнглаб кетдим. Сенинг аламли ва изти-робли болагингни ўйладим. Беш ёшли-гинда онаннинг сил касаллигидан вафот этгани, йиллар ўтиб сеvimли опангни ҳам касаллик олиб кетгани сенга аёл меҳри етишмаслигининг далили эди. Ўта диндор отаннинг берган тарбияси, шоҳона ҳаёт, тинимсиз ичкиликбозликлар, асаблар тор-мор бўлиши — буларнинг бари сенинг кар-тиналарингда намоён бўларди. Сен ўз туй-ғуларинг, қўрқувларинг, ваҳималарингни суратлар орқали ифода этардинг. “Сурат-ларим — менинг кундалиқларим”, дейсан доим. Шунинг учун қалбингни очиб макса-дида суратларингни соатлаб томоша қилиб турар, аммо ҳеч вақони тушунамасдим.

Сени меҳрсизликда, шафқатсизликда айблагим келар, аммо нимадир бунга йўл бермасди. Охири нима қилиш кераклиги ярқ этиб ҳаёлимда чакнади. Сени ўзим-дан ҳалос қилсам, қадрим бор-йўқлиғи-ни билиб оламан, деб ўйладим. Ўлимим сенга изтироб келтирадими-йўқми, шуни ўлардек билгим келди. Аммо чинакамга ўлсам, буни, албатта, билолмасдим. Гар сеvimинг маълум бўлса, қайта тирилло-

маслигини айтиб, сочларингни силашни тасаввур қилдим. Бироқ... сен на йнгладинг, на мени бағринга босдинг. Ортиқ қулол-мадим. Сен билан музейга олиб борганим

— хавфли совғам қўлимда ту-рар, уни ёққинимга яшириб олгандим. Шарт ўрнимдан ту-риб револьверни аввал сенга,

сўнг фикрим ўзгариб ўзимга мўлжалладим. Сен бу вазиятдан шошиб қолдинг: тилинг калимага келмай, бир зум қотиб турдинг. Юзингда яна бераҳм ифодани кўрдим. Қатъият билан менга яқинлашдинг ва қурол-ни олиб қўймоқчи бўлдинг. Уни бермаслик учун маҳкам қисганимни биламан... сўнг ўқ овози янгради. Бир-биримизга катта-катта нигоҳларини тикканча жимиб қолдик. Қўлимга илиқ нарса оқа бошлади: қарасам қон. Сенинг қўлинг жароҳатланганди.

...Бу бизнинг сўнгги учрашувиимиз эди. Шифохонада бармогингни кесиб ташлаш-ганини эшитиб, айбдорлик ҳиссидан ўлай дедим. Сен сурат чизаётиб қап қилишни ишлатмасдинг, барибир мени кечирши қийин! Ахир, рассом учун бармоқлар нақа-дар керак! Сени нафақат маҳбуб, балки дўст сифатида ҳам йўқотдим. Мени қўриш-дан, учрашишдан қатъий бош тортдинг. Ўжарлигинг, қайсарлигинг сабаб ўзримни қабул қилмадинг. Умумий дўстларимиз руҳий ҳолатинг ёмонлигини айтишди. Шун-дагина катта хато қилганимни, ҳаётингда бир қадар ўрним бўлганини ва уни ўзим бой берганимни англадим. Сени тинч қўй-ишга, аҳолиниг ўнганса яна ярашиб олиш-га қарор қилдим. Бироқ мени қўришни истамадинг. Бошқа бой хонимлар сингари йил ўтиб алаамидан сендан ёшроқ, сен-дан чиройлироқ бир рассомига турмушга чиқдим. Уям аjoyиб суратлар чизса-да,



Эдвард Мунк. Қичқирик (1893).

шиш, айбдорлик ҳисси билан қаршингда бош эгини истамадим.

Аммо баъзан фалон галереяда кўргаз-манг бўлаётганини эшитгач, бориб томоша қилардим. Улардан ўзимни излайман ва қўлингча топаман ҳам. Ёнди-ёнди суратла-рингнинг маънисини чақяпман, Эдвард. Мана, “Соҳилдаги аёл” номли суратинг. Оқ либосли аёл денгизга термулиб қимнидри кутаяпти. Ёнида эса қора қийимли қария. Балки Азроилдир, қим билади. Бу ёшлик ва кексалик ораси бир қадамлигини эсла-тади. Ўзи умуман барча асарларингда ҳаёт ва тириклик ўртасидаги жангни кўряпман. “Адам ва Ева” сурати эса мени ўзига боғлаб олди. “Нигоҳлар тўқнашганда” — хилватда бир-бирига изтироб билан қараб турган жуфтликдан ўтмишдаги муҳаббат излари-ни топишга уринаман. Ундаям фақат ўзим-ни — ташна муҳаббатимни кўраман, сени тополмайман... Менга бирор марта телба-лардек боққанингни эслолмайман, Эдвард.

“Ҳаёт рақси” картинасида эса ҳамма уйинга тушяпти жуфт-жуфт бўлиб. Ўнг та-рафда оқ, чап тарафда қора қўйлакли аёл ўртадаги қора либосли эркакка — сенга умид ва ранж ила тикилиб туришибди. Сен эса қизил қийимли аёл билан шодон рақс тушмоқдасан. Ниҳоят, ўзингни тасвирлаб-сан-да, севлигим? Аёлларга ўчлигингни, улардан бирига қаноат қилолмаслигингни, илҳом излаб, образ излаб уларни алмашти-ришингни... “Операция столида” номли суратинг юрагини зириллатиб юборди. Унда сен ўша отишмадан сўнг бармогингни кесишяётганини аёвсиз тасвирлагандинг. Қўзимни чирт юмиб олдим.

Қалбимда яна оғриқ пайдо бўлди. Чалғиш учун бошқа суратлар сари сури-ламан. “Вампир” номли суратга қарайман. Сенга бу мавзу азалдан ёқарди. Эҳтимол, бу ерда қонқўрликни тасвирламоқчи бўл-гандирсан, аммо мен бутунлай бошқача тушундим. Қизил сочли аёлнинг тиззасига бош қўйганча йнглаётган ёки ўқинаётган эркак... Бу сенми, сенинг тавбаларингми? Ҳаммасидан чарчаганимда, кўнглинг ором топадиган маконингми ё? Ўша макон — мен бўлганимда эди, Эдвард, бунинг учун бор-имни беришга тайёр эдим. Мелонхолик туркумили суратлар жамланмасида боти-нингдаги ёлғизликни теран ҳис қиламан. Соҳил сенга доим ёқарди. Ой нури сўвда жилва қилганда унга тушқун тикилиб ту-ришингни эслаб, хўрсиндим.

Кейин эса иккимиз тасвирланган ав-топортрет қаршисида узоқ қолиб кетдим. Малла сочларим ёйилган, қўзларим бежо боқарди. “Қотил” деган сурат эса баридан ошиб тушди... Унда совуққон тарзда се-нинг жонингга қасд қилаётган сипоғина аёл — мен тасвирланганим. Шу лаҳзалар-да мени фақатгина рашқчи телба сифати-да ёд этиб туришингни тушундим. Ҳеч қачон маъсума маҳбубангдек эсламагансан мени.

Ва ниҳоят, “Қичқирки”нинг янги яра-тиқларига қўзим тушади. Улар аввалгидан кўра бироз ёрқинроқ эди. Қизил ранг қонни эслатади. Қичқираётган сенми, Эдвард? Нега бунчалик қалбниг ларзага тушган экан? Ўша отишма ёдимга тушади. Ўшанда сени ўлдирмоқчи эдимми, ўзимними, бил-майман. Сен ҳам, мен ҳам тирик қолдик, аммо сеvimимиз ўлди! Сеvimимга аза тутиб бу ҳаётда гимираб юрибман. Сен эса янги Мадонна излаб Париж Берлинда кезина-сан. Ҳамон рашк ҳисси мени ззади...

Галерейдан чиққанимда шом тушиб қолганди. Уйгача пиёда юргим келди. Шовқин шаҳарда одамлар бир нарсадан қуруқ қолгандек шошиб елиб югуришади, ятлаган машиналар сигнали оламни тўтиди, йигирманчи аср кириб келгандан бери назаримда ҳаёт тезлашиб кетгандек туюлади менга. Ҳамма нарса шунчалик

ўзгариб кетдики, ҳатто туйғуларнинг ҳам қадри қолмади. Ҳориб ўриндиқлардан бирига ўтирдим ва сумкачамдан елпигич чиқариб елпина бошладим. Шу он нигоҳим олисларда — қил-қизил шафаққа тушди. Ўша лаҳзада дунёдаги энг ёлғиз одамдек севдим ўзимни. Бақиргим, қичқиргим, дод солгим келди. Аммо ундай қилолмадим... Ўйирманчи асрнинг нозиктаб, маданият-ли, тақаллуфли кишилари сингари юзимда қилт этган исён оловланмади. Ёнимдан бош иргаб ўтиб кетаётган савлатли эр-каклар, ўзларига илтифотли ошқ излаб сайрга чиққан хонимлар, нарироқдаги опе-ра театрига ошиқаётган дидли зиёлилар — ҳаммасининг юзи бир-бириникига ўхшар, сохта жилмайиш ва мағрур димоғлар аро ўзимга қадрили бир юзни излардим. Аммо тополмасдим... Эдвард, бошқаларга сира ўхшамаслигингни, нега айнан сени танла-ганимни ўшанда англадим. Сенда сохталик йўқ эди. Ўзингни борингча тутар ва шундай қабул қилишимни истардинг. Менга ўзинг-ни кучли севадигандек қилиб кўрсатмас, бошқа ошқиклар сингари романтик мактуб-лар битмас, гуллар жўнатмасдинг. Сен доим асл санъат учун гоёлар излар экан-сан, уни мана бу сохта инсонлар ичра эмас, алам ва изтироб чеккан қўнғиллар ичидан қидирардинг. Топардинг ҳам. Энг катта бойлигини йўқотган миллионердек шалви-раб уйимга қайтдим.

Ҳеч ким йўқ муҳташам хонамда ово-зим борица қичқирдим. Исмнинг айтиб бақирдим-чақирдим, дод солдим. Сўнг менга совға қилиш ягона картинагга тер-мулганча унсиз йнгладим. Қачонлардир бу суратинг ҳам, бошқалари ҳам туғилиб ўсган юртингдаги муъжаз музейда қад ростлаб туради, Эдвард. Машхўр рассом Мункнинг асарларини қўриш учун дунё-дан мухлисларинг ташриф буюради... Сен тарихда қоласан. Бунга ишонаман. Афсуски, бизнинг исмларимиз ҳеч қачон бирга тилига олинмайди. Мени рассомнинг бир бармоғидан айрилишига сабаб бўлган, натижада суратлар чизишига қийинчилик туғдирган бир шаддод ва эрқа аёл сифа-тида ёд этишади. Келажакдагилар бугунги одамлар каби қалбимда нелар борлиғи-ни ҳеч қачон билишмайди. Эдвард. Зеро, уларга бунинг қизиги йўқдир. Сенки, мени ташлаб кетган экансан, улардан не ранж? Қалбимдаги оташин муҳаббат ўлганимдан сўнг мен билан қарбга қиради ва исзиз йўқолади. Эҳтимол, яратган асарларинг-нинг қайсидир тасвирларида яшаб қолар у... Ким билсин, дейсан?

Матильданинг ҳикояси рассом Эдвард Мункнинг ҳаётига доир маълумотлар асосида Нодирабегим ИБРОҲИМОВА томонидан тайёрланди.

Саиджон Сулаймонов асли Фарғонадан. Аёли ва фарзандлари ҳам муסיқага, санъатга ошўфта инсонлар. Саиджоннинг ёшлигидан санъатга ихлоси бўлакча. Юрганда ҳам, турганда ҳам машҳур устозда санъат даргаларининг қўшиқларини хиргойи қилиб юрарди. Бу қизиқиш ва шижоат мактабни тамомлагач, уни олий ўқув юрти томон етаклади. Санъат машаққатли йўл эканлигини юракдан ҳис қилган ҳолда, унинг халққа хизмат қилишдек юксак амал эканлигини ҳаммиша ёдда сақлади. Хуллас, санъат майдониға ўзида ишонч ва кучни ҳис қилиб қадам босди.



Фирдавс, АРўзметов, АПарпиев сингари ёш иқтидорли хонандалар кашф этилганди. Бугунги кунда уларнинг ижодидан кўпчилик баҳраманд бўлмоқда. Сўрамоқчи бўлганим, бирор танловда иштирок этганимизми?

— Танловларда иштирок этиш ниятим бор. Ижтимоий тармоқларни кузатиб бораман. Яқинда “Эстрададан макомгача”, “Янги овозлар” номли яна бир қатор танловлар ўтказилаётгани ҳақидаги хабарларга кўзим тушди. Уларнинг шартлари билан яқиндан танишдим. Бу тадбирлар айнан ижодкор, изланувчан ёшлар учунлиги мени қувонтирди. Ижодкор аҳлига яратилаётган шароитларнинг кўлами кенглигидан кўнглим ёришди. Бундай танловлар санъатга, айниқса, қўшиқчиликка ихлос қўйган ёшларга иқтидорларини намойиш этадиган катта майдон вазифасини ўтайди.

дирмаяптими”, деган савол билан юзланди. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?

— Назаримда, бу фикрда жон бор. Чунки қўшиқчи, хонанда мунтазам изланишда бўлмаса, ижодиға юзаки, саёз назар билан қараса, ўз-ўзидан бир

ЭЛ ЭЪЗОЗИДА БЎЛИШ

— Илк устозларингиз ҳақида билмоқчи эдим.

— Тошкент давлат санъат ва маданият институтида чолғу йўналиши бўйича таҳсил олганман. Бу даргоҳда ишлаётган Абдуқаҳҳор Жалилов, Оролмирза Сафаров каби ҳақиқий фидойи санъаткорлар устозим эканидан фахрланаман. Бу инсонлардан чолғу йўли ва ижро маҳорати бўйича сабоқ олганман. Улар дарсдан ташқари вақтларда ҳам ҳеч бир эринмай машғулотлар ўтиб беришарди.

— Ҳаётда касбу, ҳунарлар бисёр. Шу маънода санъатнинг ҳам турлари кўп. Нима учун айнан қўшиқчилик йўналишини танлагингиз?

— Инсон ҳеч қачон тасодифан бирор касбнинг этагидан тутмайди. Қалбида иштиёқ уйғотган касбга интилади. Агар тасодифан бирор касбга кўл урса, умри мобайнида ундан ҳаловат, ҳузур ололмайди. Ҳаловат топмадим, демак, умри бесамар ўтади. Аслида бу йўлнинг машаққатли эканини билганман. Лекин кучимни, иродамни синаб кўриш учун эмас, шу йўлда чидам билан ижод қилишни мақсад қилиб, қўшиқчиликни танлаганман. Ҳозир озми-кўпми, анча йўлни босиб ўтдим. Баъзида кўл силтаб кетишга тўғри келган вақтлар ҳам бўлган. Лекин ортга қайтишга ичмидаги қандайдир куч йўл бермаган. Афсуски, бундай ҳис-туйғуни сўз билан ифодаланишнинг имкони йўқ.

— Телеканалларнинг бирида бошловчи санъаткорга: “Қўшиқчилик санъати ўсишдан тўхтади. Бир жойда депсиниб тургандек таассурот қол-

жойда депсиниб туриб қолади, ҳатто, ортга кетиши ҳам мумкин. Ҳозир хориж қўшиқчилик санъати намуналарига тақлид урфга айланди. Афсуски, кўпларга бу оддий ҳолдек туюлади. Фақат уларга айнан тақлиф қилиб эмас, миллитимизга хос ва мос келадиган жиҳатларни олиб, ишлов бериб, тингловчига етказиш лозим, деб ўйлайман.

— “Қалбимда Ватан мадҳи”, “Ягонасан, муқаддас Ватан” каби танловларда Г.Мамазоитова, А.Ражабий, О.Собиров, Л.Аҳмедова,

Пожурдан хабарчи келди. Тўйга борадиган бўлдик. Мен отда, қўшимиз Ризвон амаки эшақда. Ортимизда яна беш-олти киши. Одатда, куз келиши билан элнинг боши тўйдан чиқмай қолади. Кўпқариси бўлса — бўлди, одам ёғилади. Тўйхонада Ризвон амакини илиқ қаршилашди. Эшагини оғилга, ўзини меҳмонхонага ўтказишди. Бошқа одам қуриб қолгандай, у ҳам мени ўзига ҳамроҳ қилди. Яхшиямки, мендан бошқа ёш-яланглардан ҳеч ким йўқ эди.

Шерзод САИДЗОДА

Лекин ҳукумат сизнинг ковушингизни сал олдинроқ чиқарган.

— Сен қаердан биласан? — гапимни бўлди у. — Ўқиган бўлсанг ҳам фаросатинг йўқ экан. Бола-да, бола қаердан билсин...

Атрофдагилар қикир-қикир кулишди. Уялиб кетдим. Ниҳоят, ҳалиги одам талашиш бефойдалигини билди, шекилли, бошқа гапирмади. Янги ковуш Ризвон амакининг оёғида. Бояги киши эса эски ковушнинг бобонинг оёқлари остига ташлади. Амаки уни ҳам олиб хуржунимга солиб қўйди.

ЭСКИ КОВУШ

Зиёфатдан кейин дуо берилди: “Ҳамма кўпқарига!”, Биз ҳам меҳмонхонадан чиқдик. Ховлида обдаста ушлаб турган йигит сув қўйди, қўлимизни юводик. Шу пайт кимдир вазоҳат билан Ризвон амакининг олдига келди.

— Кечирасиз, меҳмон, — деди норози оҳангда. — Адашиб менинг ковушимни қилиб олибсиз.

Амакининг оёқларига қарадим. Ковуши ҳозиргина бозордан олишгандек ял-янги, ярақлаб турибди.

— Шу сиздан-а?! Танидингиз-а?! — деди бепарво Ризвон амаки.

— Хўш-е! Наҳотки, ўз ковушимни танимасам...

— Ковушларнинг ҳаммаси ҳукуматники. Биттасини қилиб кетаверинг-да.

— Тўғри, — чайналди ҳалиги киши, — ҳаммаси ҳукуматники, лекин меники янги, сизники эски-да.

— Янги-эскиси борми, биронтасини қилиб кетаверинг-да!

— Ия, гапини қаранг, — баралла кулди ҳалиги киши.

Тумонат одам йиғилди. Мен ҳайрон. Ҳамма “жабрдийда”нинг тарафини оларди. Амакининг ковуши ҳақиқатдан ҳам кўхна, бироқ ҳеч бўш келмасди:

— Ҳамма нарса ҳукуматники.

Бир бўзбола йигит, озгина отганим, кўлини мушт қилиб менга ўдағайлади:

— Агар ҳамма нарса ҳукуматники бўлса, сен ҳукуматнинг одами... Хал қил! Ҳамма-нинг кўзи менга қадалди: Уларнинг аксари мўйсифидлар.

— Амаки, — дедим Ризвон бувага юзланиб. — Тўғри, буларнинг бари ҳукуматники.

Ҳа, у жуда ажойиб одам. Гап уқдириб бўлмайди. “Қаричилик-да”, деб қўйди биров. Кўплар буни баднафслик эмас, кексалик, деб ўйлади. Аммо... Тўй ҳам, кўпқари ҳам ўтди. Эртасига уйга қайтишда Ризвон амаки билан “Булунгур” дарёси ёқасида учрашиб қолдик. Дарё кечувида сув анча тошқин. Сувдан кўрқиб, ўтолмай турган экан. Эшагининг эски тўқими ва хуржун амаки ва на эшақ бор. Ҳамроҳимни эшаги билан бир амаллаб сувдан чиқардим. Тўқим билан хуржун жиқа ҳўл. Бобой эса оёқчаланг.

— Энди нима қиламиз? — сўрадим базўр катта тош устига ўтирган амакидан.

— Хуржундан ковушни ол, — деди у. — Юзта янги ковушдан ўзимнинг эским яхши.

Беихтиёр қулиб юбордим.

— Ҳой бола, кулма... — гузабланди Ризвон амаки.

Баттар кулгим қистади. Кулгининг зўридан ўрнимдан туролмай қолдим.

Тожиқ тилидан
Искандар МУЗАФФАРЗОДА
таржимаси.

МОЗИЙ ДАРАКЧИЛАРИ

Ўрта Осиёда қадимда одамлар яшаган манзилгоҳлар кўп. Ибтидоий одамлар ўзлари яшаган маконларда кўплаб ёдгорликлар қолдириб кетишган. Бундай ёдгорликлар сирасига қоятошларга ишланган табиат манзараларини, қаровонлар, ёввойи ҳайвон ва ўсимликлар акс этган суратларни киритиш мумкин. Уларда ибтидоий одам ўз кўзи билан кўрган ҳайвон ва ўсимликлар тасвирини дид билан табиий тасвирланган.

Бир вақтлар Ўрта Осиёда яшаган, ҳозир эса учрамайдиган ёки камёб ҳайвонлар тасвири шу тариқа бизгача етиб келган. Тадқиқотчилар ов, жанг ва маросимлар акс этган турли тарихий петроглифларни ўрганиб, қадим аجدодлар тарихини ўрганадилар.

Имомали Исабековнинг “Тоғ кўйида бир чаман” китобида ёзилишича, археолог М.Қосимов 1972 йили тарих фанлари доктори Ю.Буряков ҳамда илмий ходим О.Ростовцев билан бирга “Тошкент вилоятининг археологик харитаси”ни тузишган. Унда Эртош атрофидаги қадимги ёдгорликлар, жумладан, Арашон археологик манзилгоҳи акс этган. Бу ерлардан мезолит, яъни ўрта тош даври ёдгорликлари топилган. Эрамыздан аввалги XII — VII минг йилликларда ҳарорат қайта кўтарилиб музликлар чекинган, ер юзиде йирик ҳайвонлар йўқолиб, майда, тезюрар ҳайвонлар пайдо бўлган. Одамлар шу даврда ўқ-ёй ясашни ўрганганлар. Ит ва қорва молларини хонақайлаштирганлар.

Чодаксов тош суратлари асосида қадимги ов усулларини, овчининг маҳорати ва ҳайвон ёки паррандалар ҳаракатига қараб, ўша давр воқеаларини тасаввур

қилиш мумкин. Бу расмларда, асосан, ёввойи эчки, қийик каби шу макондаги ҳайвонлар акс этган. Чодакдан топилган мезолит даврига оид манзилгоҳларда олиб борилган тадқиқотлар одамларнинг майда, тез ҳаракат қилувчи ҳайвонларни ҳам тута олганларини кўрсатади. Бу эса ўша даврда одамларнинг ўқ-ёй қуролини кашф этганидан далолат беради.

Ўзбекистон ҳудудиде тош юзасидаги суратлар кенг тарқалган бўлиб, Чодаксов ҳавзасида бундай суратлар кўплаб учрайди. Суратли тошлар қоянинг, асосан, чет қиррасида ёки унга яқин жойда жойлашган. Илгирмага яқин суратли тошларнинг баъзилари синик, иккига бўлинган. Буларда ҳайвонларнинг алоҳида таналари акс эттирилган бўлиб, бутун бир ов жараёнида тасвирланган. Улардаги ҳаракат реал акс эттирилгани одамни ҳайрон қолдиради.

Чодак қишлоғининг кунботар томонида жойлашган қоялардаги суратларда ёввойи қийиклар тасвирини аниқ акс этган. Тоғолди петроглифларида мураккаброқ тоғ овлари, ҳайвонларни тутиш жараёнилари акс эттирилган. Археолог Э.Воронец кўрсатиб ўтганидек, суратлар тоғ ёнбағирлари қисмида бўлса, улар “ов қилиш даврида чизилган, яйловлардагиси эса, қорвачилик даврида чизилган суратлар”дир.

Деярли барча петроглифлар (тоғларда) силует (қийёфа) тарзида ишланган ва уларда ҳаракат акс эттирилган. Суратлар кўпинча алоҳида-алоҳида чизилган бўлиб, бу овчилар мазкур маконда узоқ бўлишмагандан ёки ёввойи ҳайвонлар бу ерларда кам учраганидан далолат беради. Ов усуллари акс эттирилган петроглифларда одам акси йўқ, бироқ ов сюжети — “тоғ эчкиларини ит билан овлаш”



манзараси яққол кўриниб туради. Уларнинг бирида ёввойи эчкини ит қуллаб кетмоқда. Петроглифлар унчалик катта бўлмаган ғадир-будур, хира қорамтир рангли тошда акс эттирилган. Мазкур расмда ит югуриб кетаётган тарзда акс эттирилган бўлиб, орқа оёқлари бўйик, олд оёқлари олдинга чўзилган. Қочаётган ҳайвон бироз кам ҳаракатда бўлса-да, югуриб бораётгани аниқ тасвирланган.

Ўзбекистондаги петроглифларнинг аксарияти минтақа тарихининг турли даврларига тегишли. Уларнинг барчасини қадимда яшаган қабилаларнинг меросини тошга синдириб, авлодлар учун сақлаб қолган усталар санъати бирлаштиради. Тошларга чизиб қолдирилган ва бизгача етиб келган суратлар тасвирий санъатнинг нодир намуналаригина эмас, балки ўлкамизда бир вақтлар кенг тарқалган, ҳозир эса яшамайдиган ёки камёб ҳайвон ва ўсимликларнинг турлари ҳақида маълумот берувчи манба ҳамдир.

Муқаддам УСМАНОВА,
Наманган вилояти
тарихи ва маданияти
давлат музейи илмий ходими

Тошкент давлат юридик институти томонидан Ваҳабова Шаҳноза Анваровнага 2009 йил берилган В № 432797 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЁШЛАР ОВОЗИ



ИҚРОР

Йўқ, биз севишмадик, Дардлашдик, холос... Дардлашим — севишим дегани эмас. Ахир уйлаб кўргин, азим Тошканга Ўқигани келдик, севгани эмас.

Мен сенга “севаман” десам, бу — ёлғон, Сенинг ишонганинг — энг оғир хато. Чунки соф севгиға боғланган инсон, Севаман дейлмас ёриға асло.

Сен менга ишонма, Кўнглим — хиёбон... Ҳар кун юриб ўтар ундан қанчаси. Ҳар кеча тинмаган дайди шамолдай Кезар унда ишқнинг синган парчаси.

Ҳа, биз севишмадик, Ишқ кўчасидан Дардаш телбалардек юриб ўтдик жим. Тақдиримиз қандай хотима топар? Айтиб беролмайди ҳеч бир мунажжим.

Дардимни юкларим дардингга қўшиб, Қалбингдан бош олиб, дарбадар кетдим. Ёзган хатларимни бурдалаб ташла! Сенга арзимайман — тушуниб етдим...

Сени соғинмайман. Қарорим қатъий. Сабрим ҳали етар сенсиз яшашга. Сенда ҳам зорлик йўқ, кўзингдан сездим Мен томон бир бора қулиб қарашга.

Ўртада севги йўқ, Юраклар бўм-бўш. Кўзларим сендан ҳам бошқани кўрар. Юракми... Юрак ҳам эмас безовта, Исмнинг айтмай ҳам тинчгина урар.

Сенинг ҳам қалбингга менга ўрин йўқ, Юрагиндан ўзга бошпанам бисёр. Ахир, ҳар томонни ҳувуллаб ётган Қароқ юртингда менга нима бор?

Битта гап тилимда... Сукут айлагин, Осмонга бир зум сайр этдим қайтдим. Нега кўзларингга ҳалқаланди ёш, Ёлғонни қанчалар чиройли айтдим?...

ЗИТЯПСАНМИ...

Олийгоҳ... Маъруза... Эшитяпсанми? Орқа партадаги юрак зарбини. Сен илк бор ўрганидинг шу маърузада Улкан муҳаббатнинг кичик ҳарфини.

Қизларнинг шовқини... Ийигилар суқар, Булар — иккимиздан бегона дунё. Улар бошқа гуруҳ бўлиб ўқийди, Бошқа гуруҳдамикимиз гуё.

Парталар оралаб синфхонанинг Шовқинида сузар сезилмас севги. Манави нигоҳга қараб тўймайман, Секим жилмаяди. Бу қандай белги?

Дарс эса давомлар... Ёз, чиз ва тингла... Норизо овози келди устознинг. Бир онда ўзгарди шундоқ манзара, Мен эсимдан оғдим... Сен эса ёдинг.

Дарслар тугаб кетди... Танаффуслар ҳам, Соғинларнинг охири келдимни гали? Сабокдошлар ҳам йўқ. Сен ҳам узоқда. Қанисан жонаҳон маъруза зали?

Хуршид АБДУРАШИД



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз:



Бош
муҳаррир

Салим
АШУР

Тахририятга келган қўлёмлар тақлид этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Набатчи муҳаррир: Хумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва маълумот коммуникациялар агентлигиде томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Алали - 1115. Буюртма Г - 644.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарк»
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.
Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Босниға топшириш вақти - 21.00.
Босниға топшириш - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотува нархи эркин.

